

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Таълим олувчиларни ўқув жараёнида фаоллаштириш аҳамияти ва омиллари.....	10
1.2. Фаол таълим методлари тахлили, улардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар.....	24
1-Боб юзасидан қисқача хулоса.....	62
2-БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ (“КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ” ФАНИ МИСОЛИДА)	
2.1. Фаол таълим методларини танлаш ва ўқув мақсадларини белгилаш	63
2.2. “Кийимни конструкциялаш” фанидан назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда фаол усуллардан фойдаланиш методикаси	72
2-Боб юзасидан қисқача хулоса.....	93
3-БОБ. “КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ” ФАНИНИ ФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШДА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ	
3.1. Касб-хунар коллежларида “Кийимни конструкциялаш“ фанидан назарий ва амалий машғулотларини фаол методлар асосида ўқитиш бўйича тажриба-синов ишлари.....	96
3.2. Тажриба-синов ишларини тахлили.....	99
3-Боб юзасидан қисқача хулоса.....	106
ХУЛОСАЛАР.....	108
Фойдаланилган адабиётлар	110
ИЛОВАЛАР.....	116

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлари бевосита узлуксиз таълим тизими билан боғлиқ. «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида янги турдаги – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими шакллантирилди. Ҳозирги пайтда юқори малакали ва маданиятли, мустақил фикрлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича муҳим аҳамиятга эга молик ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан таълим тизимида мустақил ва ижодий фикрлай оладиган кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида [1] таъкидлаганларидек, “Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоеън этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз”.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида маънавий етук, эркин фикрлайдиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини мустақил ишлашга йўналтириш ва уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш масаласи таълим тизимини ислоҳ қилишдаги асосий вазифалардан қилиб қўйилганлиги ҳам бежиз эмас.

Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакалар билан бир қаторда билимларни мустақил эгаллаш ва муаммони мустақил равишда ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятлари ҳам шаклланиши керак.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -173 б.

Бўлажак мутахассисларда ушбу хусусиятларни шакллантиришда таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув билув фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим олувчиларининг ўқув-билиш фаолиятларини таъминловчи ва ривожлантирувчи фаол таълим методларини ўқув жараёнига жорий этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Таълим олувчиларни мустақил ва ижодий ёндошган ҳолда муаммоларни ечимини излаш, топиш ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаол таълим методларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизнинг педагогик олим, амалиётчилари ва методистлари томонидан илмий асосланган замонавий педагогик технологиялари ва фаол методларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, фанларни ўқитишда таълим олувчилар ўқув билув фаолиятини фаоллигини таъминлаш бўйича семинарлар, илмий –амалий анжуманлар ўтказилсада ва илмий тадқиқотлар олиб борилсада, самараси паст бўлмоқда. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришга етарлича аҳамият берилмаганлиги, ўқитиш технологиялари ва баҳолаш тизими таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мос келмаслиги, фаол таълим методларидан кенг фойдаланишга эътибор пастлиги, шунингдек ўқув материални фаоллаштириш муаммо бўлиб турибди.

Биз томондан ўтказилган педагогик изланишлар ва олинган дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш орқали уларнинг таълим олиш имкониятлари, мустақил ишлаш қобилиятларини ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Ушбу магистрлик диссертация иши касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишда таълим олувчиларнинг билим олиш ва амалий фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган фаол таълим методларини ўрганиш, уларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва ролини аниқлаш ва амалда

қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этиш масалаларига бағишланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертациянинг назарий ғояларини ишлаб чиқишда педагог ва методист олимлар, жумладан, касб-хунар таълими назарияси ва амалиёти бўйича Р.Х.Жўраев, У.М.Иноятов, Х.Т.Рашидов, Қ.Т. Олимов, А.Р.Ходжабаев, Б.М.Мирзахмедов, Н.А.Муслимов, С.Я.Батишев, А.П.Беляевалар, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини шакллантиришнинг педагогик ва психологик жиҳатлари И.А.Аллаёров, А.Абдукодиров, В.П.Беспалько, У.Н.Нишоналиев, А.М.Матюшкин, Н.М. М.Н. Алексеев, С.И. Архангельский, Ю.К. Бабанский, Дж. Брунер, , М.А. Данилов, А.И. Дорошкевич, С.Ф. Егоров, И.Я. Лернер, М.И. Махмутов, И.Т. Огородников, П.Н. Пидкасистий, Амосов, Н.В. Кузьмина, Н.Ф. Тализина, Б. Нуриддинов, Э.Ғ.Ғозиев, И.Н. Родак, М.Н. Скаткин, Т.Н. Шамовалар, касб-хунар таълимида ўқитишнинг фаол усулларини қўллаш бўйича З. Исмоилова, Л.В. Голиш, Д. Зохидова, Д. Файзуллаева, С. Ашурова, С.Ў. Махмудовларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда ўқувчилар билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш ва фаол таълим усулларни қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш бўйича кам изланишлар олиб борилган.

1-БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Таълим оловчиларни ўқув жараёнида фаоллаштириш аҳамияти ва омиллари

Республикаимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ривожланиб бориши, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш; фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда талабаларни касб-ҳунарга ўргатишда уларнинг изланувчанлик, ижодкорлик, фикрлаш қобилиятларини юксалтириш, нутқ маданиятини ўстириш; касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида ахборот-коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадли равишда самарали фойдаланиш; таълим оловчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммолардан биридир.

Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий малакаларини шакллантиришда уларнинг мустақил ўрганиши ва муаммони ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусиятлар таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва билим олишларини фаолиятини фаоллаштириш орқали шакллантирилади.

Таълим оловчиларнинг онглилиги ва фаоллигини ошириш учун ўқитиш жараёни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Бернард Шоу бир куни: “Агар сиз одамни ўқитиб, бирор нарсага ўргатмоқчи бўлсангиз, у ҳеч қачон ҳеч нарсани ўрганмайди” деган экан. Материални яхши ўзлаштириб олиши учун таълим оловчи шу материал

устида фаол ишлаши керак. Шунчаки кулоқ солиб тинглаш ёки кўздан кечириб чиқишнинг ўзи етарли эмас. Таълим олувчи материални ўйлаб кўриши, муҳокама қилиб чиқиши ёки мазкур мавзуга доир мустақил иш топшириғини бажариши керак.

Таълим олувчи мустақил ва ижодий фаолияти объект-жараён ва ходисаларни кузатиш, таққослаш, бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаш, умумлаштириш каби хусусиятлар орқали кўзланган мақсадига эришиши мумкин. Демак фанларни ўқитишда ҳам таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, у энг аввало ақлий ва онгли муносабат натижасида юзага келади [10].

Биз томондан ўтказилган изланишлар ва олинган дастлабки натижалар тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларнинг билим олиш фаолиятини фаоллаштириш орқали уларнинг билим имкониятлари, ижодий ва мустақил ишлаш қобилиятларини ҳамда амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштиришдан олдин уларнинг дастлабки билим даражаси, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллай олиши кўникмаларни ҳамда мустақил ишлаш қобилиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу хусусиятларни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, талабаларнинг фаол фаолият кўрсатиш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Демак, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш ва ўқув амалий фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган фаол таълим методларини ўрганиш, уларнинг педагогик технологиялар тизимида ўрни ва ролини аниқлаш ва ўқув жараёнида қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таълим тизимида метод тушунчасига тўхталадиган бўлсак унинг маъноси-кўзланган ўқув мақсадига эришиш учун аввалдан белгиланган энг аниқ ва қисқа йўлдир. Тадқиқотларда метод бир муаммони ечиш, бирор тажрибадан натижа олиш,

бир мавзуни ўрганиш ёки ўргатиш каби мақсадларга эришиш учун билиб танланган ёки шунга қараб бориладиган йўлдир деб таърифланади.

Баъзи педагогик адабиётларда метод атамаси ўрнига метод сўзи ҳам ишлатилиб келинмоқда. Масалан, метод – (грекча *metodos* сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) конкрет вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўллارининг йиғиндиси деб таъриф берилади.

Кейинги пайтларда педагогик амалиётда кўпдан “Таълимнинг фаол шакл ва методлари” атамаси қўлланила бошлаган. У талабалар ўқув фаолиятининг юксак даражасини таъмин этувчи қатор педагогик технологиялар гуруҳини ўзида уйғунлаштиради.

Сўнгги вақтларда эса яна бир атама кенг тарқалган бўлиб, у- “интерфаол таълим” дир. *Interactive Learning* атамаси инглиз тилида таълим субъекти (ўқитувчи, тренер, раҳбар, бошқарувчи) билан фаол алоқадорликка асосланган *таълим* маъносини англатади. Моҳиятан у коммуникатив технологиянинг вариантларидан бири (модел)ни билдиради. Бошқачароқ қилиб айтганда, интерфаол таълим-таълим объекти ва субъекти ўртасидаги аъло даражада ташкиллаштирилган ўзаро ҳамкорлик муносабатидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иккиёқлама (тескари) ахборот алмашинувига асосланади.

Таълим методи белгиланган ўқув мақсадига кафолатли эришиш учун ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинишидир.

Фаол таълим методларисиз қўйилган ўқув мақсадига, эришишда билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга, таълим натижаларига эришиш қийин.

Ўқитувчи томонидан бундай фаол методларни тадбиқ этилиши талабаларни меҳнат қилишга, диққатини тортишга ўз устида мустақил

ишлашга, фикрлашга, изланишга ундайди, дарсларга қизиқиши ортиб, катнашиши фаоллашади.

Биз, фаоллаштиришни таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган асосий факторлардан бири сифатида қараймиз. Фаоллаштириш лотинча сўздан олинган бўлиб -фаол, ишчан) маъносини англатади, яъни шахснинг ақли ва иродасини кучайтириш орқали унинг билим олиш ва ўргатиш, фаоллаштириш қобилиятини тушунилади.

Фаол таълим деганда, - биз таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақил ва ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи омиллар мажмуини тушунамиз.

Таълим олувчининг умумий фаоллиги унинг билим ва кўникмаларни эгаллаш, жараён ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаб олишга қаратилган фаолиятини билдиради.

Я.Я.Юрченко [45] таълим олувчиларни фаоллаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш юқори самара беришини таъкидлаган:

- ўрганилаётган ўқув материалларини долзарблаштириш;
- муҳим ўқув материалга таълим олувчилар диққат-эътиборини тортиш;
- таълим олувчиларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш ва унинг тўғрилигини ҳимоя қилишга шарт-шароит яратиш;
- ўзлаштирилган материални илмий-амалий жиҳатдан баҳолашга ундаш;
- ўрганилаётган мавзу, бағишланган манбаларни мунтазам равишда кўргазмали тарғиб этиш.

Фаоллик туфайли шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар таълим олувчининг “шахсий мулки”га кўчади ва бу билимларни истаган пайтда ишга солиш имкониятига эга бўлади.

Дастлабки изланишлар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларни фаоллаштириш қуйидагиларга имконият яратади:

- таълим берувчи ва таълим олувчилар орасида онгли муносабатларни ўрнатилишига;
- таълим олувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга;
- таълим олувчиларнинг ахборот манбалари билан мустақил ишлашларига;
- таълим олувчиларнинг машғулотларга мунтазам ва тўлиқ иштирокини таъминлашга;
- таълим олишга қизиқиш уйғотади;

Ўқитувчи қанчалик таълим олувчиларда ёқимли эмоционал тасавурлар ҳосил қила олса, янги ўқув материални ўзлаштириш жараёнида уларнинг фаоллиги шунча ошади.

Шуни таъкидлаш жоизки ўқитишнинг муваффақиятли бўлиши учун таълим олувчи томонидан билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш жараёнининг ҳар бир босқичида ўқитувчи уларнинг онгли фикр юритиш фаоллигини вужудга келтиради ва ташкил этади.

Онглилик аввало таълим олувчи эришиш керак бўлган ўқув мақсадларини, ҳамда ўрганилаётган материал мазмуни ва ўзи бошқариш лозим бўлган топшириқларнинг мазмунини тушунишдан иборатдир. Шунингдек онглилик шуни такозо қиладики, таълим олувчи ўқув материални механик тарзда ёдлаб олмайди, ёки топшириқни механик тарзда бажармайди, балки топшириқни шу тарзда бажарганлигининг моҳиятини тушунтириб бера олади, ўқитувчининг саволларига берган ўз жавоблари билан у ўрганилаётган ўқув материалнинг маъносини ҳақиқатан ҳам тушунишини намоён қила олади.

Онглилик, шунингдек таълим олувчининг топшириқларини бажаришга масъулиятли муносабатини билдиради. Онгли фикрловчи ва ишловчи таълим олувчи ҳар қандай ўқув топшириғини ўз вақтида ва аниқ бажаришга ҳаракат қилади. У зарурий ҳолларда ўқитувчиларнинг ёки иқтидорли ўқувчиларининг ёрдамига таяниб топшириқнинг мустақил бажаришга интилади.

Демак, ўқув-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам анъанавий таълим тизимида айнан мана шу муаммога етарли даражада аҳамият берилмаганлиги сабабли таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да талаб даражасига кўтарилган. Биз таълим олувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ижодий қобилияти, билим олиш ва ўрганишдаги фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор илмий ишларни ўргандик.

Тадқиқотларда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласи ўқув жараёнининг муҳим вазифаларидан кўп таъкидланади.

Ўқув жараёнини оқилона, тўғри ташкил қилиш, ўқитишни замонавий усуллари ва хориж тажрибаларидан фойдаланиб ташкиллаштириш дарс самарадорлигини оширибгина қолмасдан, таълим олувчиларнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ва эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантиради [80].

И.А.Аллаёров «фаол таълимнинг дидактик асослари – бу, жараён иштирокчиларининг онгли, оқилона муносабатларини ўрнатилиши ва юқори сифат ҳамда самарадорликни таъминланиши» деб талқин этган [6].

Таълим олувчининг фақатгина ўрганилаётган объектга, жараёнга ёки ходисага онгли муносабати натижасида билим, амалий кўникма ва ижобий шахсий хислатлари ҳамда фазилатлар шаклланади.

А.М.Матюшкиннинг фикрича фаол билиш – таълим жараёнида мунтазам равишда, бирин-кетин топшириқлар бериш, муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш натижасида юзага келади. Фаоллик онглилик натижасида вужудга келар экан, бу ҳол фанларни ўрганиш мазмуни, шакли, усул ва воситаларини ўзаро мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади. Фаоллик даражасини белгилашда ўқув материалнинг мураккаблик даражаси инобатга олиниши лозим [24].

Таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришда психологик ҳамда педагогик муаммолар юзага келади.

Чунки, психологлар таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини психологик хусусият сифатида, педагоглар эса таълим жараёнининг асосий қонуниятлари ва замонавий талаби сифатида қарайдилар.

Ўқитувчи таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини ошириш учун ўқув материали мураккаблик даражасидан келиб чиқиб машғулоти ўтказишнинг турли шакллари ва усуллари ишлаб чиқиши керак.

Тадқиқотларда фаолликнинг куйидаги даражалари келтирилади [22].

1. *Фаолликнинг биринчи даражаси* - таълим олувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларини қайта такрорлаши, уни хотирада тиклаши ҳамда ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги ва кўрсатмалари асосида унга эргашиб бажарадиган ишлари ёки берилган намунага қараб айнан бажарадиган топшириқлари жараёнида намоён бўлади. Чунки, таълим олувчиларнинг ўтилган назарий материални эслаши, унга мос келадиган ишлаб чиқариш мазмунидаги масалаларни намунага қараб ечимини топишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларини қайта хотирлашга хизмат қилади.

2. *Фаолликнинг иккинчи даражаси* – ўрганилаётган объект ёки жараённинг моҳиятини тушунишни, маълум маънода ижодий фикрлаш элементларини тақозо этади. Фаолликнинг бундай даражаси ўрганилаётган объект ва жараёнлардаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, ўзлаштирилган билимларни маълум ўзгартирилган ҳолат ва вазиятларда қўлланишини кўзда туттади.

3. *Фаолликнинг учинчи даражаси* ижодий характердаги ҳатти-ҳаракатларни талаб этади. Кўзланган ўқув мақсадга эришиш йўлида ижодий фаолиятни кўрсатади. Қисман изланиш характерига фаолият тўла ижодий характерга эга бўлади. Фаолликнинг бу даражасида эгалланган билимлар тизимли, чуқур ва пухта бўлиб, улардан исталган шароитда фойдаланиш мумкин.

Фаоллаштириш даражаси биринчидан, таълим олувчиларнинг ўқув материални ўрганишга мотивация уйғотиш, уларда мустақил ишлаш ва

изланиш қобилиятлари қандай даражада эканлиги билан белгиланса, иккинчидан, ўқитувчи томонидан ўқитиш ва ўргатиш жараёнини фаоллаштириш мақсадида яратилган шароит, таълимнинг шакли ва фаол усуллари ҳамда дидактик воситаларга боғлиқ бўлади.

Кўплаб педагог олимлар, методистлар ва тадқиқотчилар томонидан таълим оловчиларнинг билим олиш ва ўрганиш, ўқув-билиш фаоллигининг моҳияти, шакллари, даражалари ва амалга ошириш шартлари тўғрисида турли фикрларни билдирганлар.

Жумладан Т.И. Шамованинг фикрича “Билиш фаоллиги – бу таълим оловчиларнинг ақлий ва жисмоний кучлари эмас, балки уларнинг шахсий фаолиятларининг сифат кўрсаткичи ҳам бўлиб, у маълум фаолият мазмуни ва жараёнига муносабатида, энг мақбул вақт ичида қўйилган мақсадларга биноан билим олиш, амалий иш-ҳаракат усуллари, ижтимоий, ижобий, шахсий фазилатларни эгаллаш йўлида ахлоқий-иродавий кучлари ҳамда имкониятларини сафарбар этишларида намоён бўлади” [44].

Таълим жараёнидаги талабанинг фаоллиги, дидактиканинг асосий тамойилларидаги бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Талабанинг фаоллиги, мақсадли йўналтирилган бошқарувчи педагогик таъсирлар ва педагогик муҳитнинг ташкил этиши натижасидир [4].

М.Н.Скаткин “билиш фаоллиги” ва “фикрлаш фаолияти” тушунчаларига изоҳ бериб уларнинг фарқли жиҳатларини куйидагича кўрсатиб берди: “Бу тушунчалардаги муҳим фарқ, биринчидан билиш фаолиятида фақатгина фикрлаш жараёнини қамраб олмай, балки диққат-эътибор, ирода, хотира ҳам ўрин топган ва иккинчидан, унда инсоннинг оламга муносабати ҳам ўз аксини топади” [37].

И.И. Родак ва Л.Н. Нестеровалар фаолликни оддий ижрочиликдан бошлаб ижодий-ижтимоий даражаларда бўлиши мумкин деб талқин этадилар.

Педагогик амалиётда ўрганишга қизиқиш кўпчилик ҳолларда таълим оловчилар билим олишининг фаоллашуви, ўқитувчининг ўқитиш жараёнини

жозибали қилиш имконини берадиган самарали воситаси, шунингдек ўқитишда таълим олувчиларнинг диққатини ўзига жалб қила оладиган, уларнинг фикрлашишини фаоллаштиришга, хаяжонланишга, хавотирланишга мажбур қиладиган аспектларни ажратиб кўрсатиш воситасида кўриб чиқилади [40].

И.Я.Лернер фаолликни шахс мустақиллигининг шарт-шароити сифатида қарайди, чунки шахс фаол бўлмасдан мустақил бўла олмайди. Муаллиф фаоллик ва мустақиллик даражалари сифатида “оддий фаоллик”, “ҳақиқий мустақиллик” терминларини кўрсатган [21].

Таълим самарадорлигини оширишда, ўқувчи ўқув-билув ҳамда ижодий фаолиятини фаоллаштиришда ижодий мазмундаги ўқув топшириқларининг ўрни беқиёс [39].

Адабиётлар ва тадқиқот ишларидаги фикрлар таҳлили фаоллаштиришга икки ёндашув мавжудлигидан кўрсатади. Баъзи муаллифлар билиш ёки билим олиш фаоллигини фаолият сифатида талқин этсалар, **иккинчилари** шахсий фазилат деб таъкидлайдилар. Бизнинг назаримизда иккаласини биргаликда қўллаш керак.

Б.Нуриддинов таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш муаммосига бағишланган нашрий ишларнинг таҳлил қилиш натижасида бу соҳадаги тадқиқотчиларнинг ғояларини шартли равишда куйидаги уч йўналиш(гуруҳ)га ажратади [28]:

Биринчи йўналиш билиш фаолиятини фаоллаштириш ўқув материалига нисбатан таълим олувчиларнинг иродавий кучларни махсус йўналтириш ва эмоционал муносабатда бўлишини талаб қиладиган деган ғояни илгари сурадиган тадқиқотчилар.

Иккинчи йўналиш муаллифлари фаоллаштиришнинг асосий негизини “фикрлаш” ташкил этади, ана шунинг учун ҳам таълим олувчиларни фикр юритишга, мантиқий ўйлаб кўзланган мақсадга имкон қадар самарали эришишга ўргатиш зарур деб биладилар.

Учинчи йўналиш фаолликни таъминлаш учун маълум шарт-шароит яратиш кераклигини асосий омил сифатида қарайдиган тадқиқотчилар.

Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш ақлий фаолият маҳсули бўлган фикрлар билан боғлиқдир.

М.Н.Скаткин ва А.Ғуломовларнинг фикрларича ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, биринчи навбатда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини ўрганилаётган объектга қаратиб, мантикий фикрлаш фаолиятини кўзда тутадилар [37].

Шуни таъкидлаш жоизки таълим муассасасида зарур бўлган муҳим шароит ва муҳит яратилганда таълим олувчи фаол фаолият кўрсата олиши мумкин.

Психологияда фаолият – шахснинг маълум мақсадга мувофиқ йўналтирилган онгли муносабати ва хатти-ҳаракатларини амалга ошириш шакли сифатида талқин этилади. Шахснинг билим олиш ва ўрганиш яъни ақлий фаолияти унинг психологик тайёргарликсиз кўзланган натижани бермайди. Демак таълим-тарбия жараёнида таълим олувчида ўрганилаётган ўқув материаллига нисбатан қизиқиш, хоҳиш-истак уйғотиш, мустақил ва ижодий фикрлашига шарт-шароит яратиш лозим. Бу мақсадга фақат турли фаол таълим усуллари кўллаб эришилади.

Ўқитишга иштиёқ, қизиқиш, иштиёқ уйғотиш, айниқса ундан хузур топиб, мамнун булиш, таълим жараёнида энг яхши натижаларни беради. Билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштиришда таълим олувчиларнинг фаоллигини, қизиқишини, ижодий мустақиллигини оширишга қаратилаган замонавий педагогик технологиялар ва фаол таълим усуллари кўллаш ана шунга кўп жиҳатдан йўл очади [46].

Ҳозирги пайтда ўқув тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини ошириш муаммосига қаратилган назарий тадқиқотлар ва ютуқлар амалиётда ўз татбиғини топмаяпти.

Таълим оловчиларнинг фанни ўрганиш жараёнидаги фаоллиги асосан унинг билим олишга бўлган қизиқиши белгиланган ўқув мақсадини эришишига қаратилганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Тадқиқотларда таълимни фаоллаштириш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги ҳамда фикрлар билдирилган [23].

- А) ўқув муаммоларни ечишга қаратилган фаол усулларни қўллаш;
- Б) мақсадли ва амалий ўйинлар ўтказиш;
- В) давра суҳбати ва очик мунозаралар ташкил этиш;
- Г) намунали ноаънавий ёки мунозара дарси, тарбиявий тадбир муҳокамасини ўтказиш;
- Д) таълим жараёнида замонавий ва ахборот педагогик технологиялардан фойдалана олиш.

Тадқиқотчилар ўқитишнинг фаол усулларисиз ўқув материалларини мукамал ўзлаштириш амри маҳоллиги ва бугунги кунда таълим оловчиларнинг билиш фаоллигини оширадиган ўқитиш усуллари ва воситаларини излаб топиш ҳамда уларни такомиллаштириш педагогикамиздаги долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлайдилар [7,8,12].

Таълим оловчилар ўқув материални ўрганиш муҳимлигини онгли равишда тушуниб етишлари, шунингдек самарали ўзлаштириш учун уларда хоҳиш-истак, қизиқиш ва ишонч бўлиши керак.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим эгалланган кўникма ва малакалар мазмунан тизимли ва мантиқан тугалланган тарзда шакллантирилиб турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга имкон беради.

Таълим оловчиларни фаоллаштириш уларнинг мустақил ўрганиш қобилиятларини ривожлантириш имконини беради. Тадқиқотларда таълим оловчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини қуйидаги даражаларда бўлиши келтирилган [29]:

1. Фаоллилик ва мустақилликнинг дастлабки даражасида ўқитувчи таълим олувчиларга илгари ўзлаштирилган таянч билим, кўникмалар ва шахсий фазилатларни эслатади. Янги ўқув материални тушунтиради. Бу жараёнда таълим олувчиларнинг ўрганишга хоҳиш, қизиқиши эмас, балки унга ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари, хоналар жиҳозланиши назария билан амалиётнинг таъминланиши кабилар ўз таъсирини кўрсатади.

2. II. Коммуникатив фаоллик ва мустақиллик даражасида таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашишлари талаб даражасида йўлга қўйилган бўлади. Бунда ўқув материалларини барча таълим олувчилар деярли бир хил даражада ўзлаштирадилар, уларнинг фанга бўлган қизиқиши доимий ва барқарор ижобий эмоциялар билан мустаҳкамланади. Таълим олувчилар мустақил ҳолда ўзлаштирилган ўқув материалга изоҳлар берадилар, амалий ҳаракат усулларини бажариб кўрсатадилар. Ўқитувчи ўқув материални таълим олувчилар томонидан етарли даражада ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг янги ўқув материални ўтишга киришадилар.

III. Ижодий фаоллик ва мустақиллик даражасида ўқитувчи таянч билимларни эслатмайди, қайта такрорламайди, балки аксинча нисбатан муаммоли вазиятларни юзага келтириб, турли мураккаб саволлар ва топшириқлар бериб, уларнинг мустақил тарзда янги ечимларини топишга йўналтиради. Таълим олувчилар ўқув материални мустақил ўрганишга йўналтирилган ижодий изланувчи сифатида ўрганиш фаолиятида иштирок этадилар.

Айнан шу босқичда замонавий таълим талабларига мос фаолият амалга оширилади. Таълим олувчиларни фаоллаштириш учун ўқитувчи:

- таълим олувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражасини аниқлаши;

-ўқув материални муаммоли вазиятлар, ўқув муаммолари ёки топшириқлар шаклида ишлаб чиқиши;

- муаммоли вазиятлар ўқув муаммолари ва топшириқларни турли даражаларга ажратиши;

-асосий ўқув материални мантиқий кетма-кетликка тизимли баён этилишини таъминлаши;

- мураккаб ўқув муаммолари ва топшириқларни таълим олувчиларнинг бажаришларида тўла имконият яратиш учун турли таълим усуллари ва воситаларини қўллаши керак.

Таълим олувчи ўқув мақсадига эришиш учун мустақил ҳаракатлари орқали ўзининг фаоллигини кўрсатиши, ўқув материални ҳар томонлама пухта ўзлаштирилишига замин яратади. Бу ҳолат психолог олим П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясига ҳам мос келади [42].

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, таълим олувчилар шахсини ривожлантиришнинг долзарб психологик-педагогик муаммоларидан бири уларда фуқаролик маданиятини шакллантиришдир.

Шахс фуқаролик маданияти –бу табиат, жамиятни ўрганиш ва ўзгартириш жараёнида фуқароларнинг ўз ижодий кучлари ва қобилиятлари таъсирида муайян миллат, халқ, Ватанни раванқ топшириш, унинг моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтиришга қаратилган инсон фаолиятининг юксак намунасидир [43].

Таълим олувчида фуқаролик маданияти хусусиятларини тарбиялашда уларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятларини фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, билим олиш ва ўрганиш фаоллиги ақлий фаолиятини ташкил этишга иштиёқ, ҳақиқатни аниқлашга интилиш, турли манбалардан маълумот олиб, билимларини чуқурлаштиришга ҳаракат ва билишга қизиқишни англатади. Таълим олувчилар билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим восита сифатида қабул қилинар экан, у куйидаги кўринишда намоён бўлади:

- а) таълим-тарбия жараёнини эркинлаштириш, субъект-субъект муносабати асосида ҳамкорликда ўқишни йўлга қўйиш ва таълим

олувчилар қобилиятини аниқлаш орқали ўқишга мойиллик ҳамда қизиқишни фаоллаштириш;

- б) таълим-тарбия мазмунини интеграциялаш орқали ўқитиш мақсади, вазифаси, мазмуни, усули, шакли ва воситаларини ўзаро алоқадорлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- в) таълим-тарбия жараёнида энг қулай фаол усулларни қўллаш;
- г) таълим ва тарбия жараёнига технологик ёндошув асосида, таълим оловчиларда билим олиш ва ўрганиш фаоллигини таъминловчи муаммоли-вазиятлар, муаммоли-топшириқларни ва ўйинли технологияларни кенг қўллашга эришиш;
- ж) муаммоли ва ўйинли технологияларини, ўқув-технологик комплексни ташкил этиш ва ундан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш.

Юқорида кайд этилган талаблар таълим оловчилар фаолиятларини фаоллаштириш орқали уларнинг ижодкорлигини, ўқув – топшириқларни бажариш учун фаразларни илгари суришни ва шу асосда ечимларни топишга интилишга кенг йўл очади.

Шуни таъкидлаш жоизки таълим бериш жараёни-икки ёқлама жараён бўлиб ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам фаол иштироки талаб этилади, ўқитувчи таълим жараёнида муваффақиятга эришишга интилса, у албатта, ўқувчиларни фаоллаштириш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиш лозим.

Юқориги таҳлиллар шуни кўрсатдики, бугунги кунда таълим оловчиларни мустақил билим олиш, ўз фикр мулоҳазаларини, мустақил ва эркин баён қилиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим оловчида бундай хусусиятларни шакллантириш учун ўқитишнинг дастлабки босқичларидаёқ билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш лозим.

Шунингдек, касб-хунар коллежларида бўлажак кичик мутахассисларда билим ва малакаларни шакллантириш жараёнида таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва

ўқув фаолиятини фаоллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

1.2. Фаол таълим методлари таҳлили, уларни танлаш бўйича методик тавсиялар

Замонавий таълим - ўқув жараёнида иштирок этувчиларнинг фаоллигини оширишни талаб этади. Чунки анъанавий таълимда айнан мана шу муаммога етарли даражада аҳамият берилмаганлиги сабабли таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да талаб даражасида амалга ошириш таъкидланган. Касб–ҳунар коллежлари ўқувчиларини ҳар томонлама ривожлантириш учун уларнинг ижодий қобилияти ва мустақил ишлаш фаоллигини ошириш муҳим.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда техник ва технологик объектлар, жараёнлар ҳақида билимлар бериш, амалий иш-ҳаракат усулларини ўргатиш, шунингдек шахсий фазилатлар, ижодий фикр юритиш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ривожланиб бориши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш; фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатишда уларнинг изланувчанлик, ижодкорлик, фикрлаш қобилиятларини юксалтириш, нутқ маданиятини ўстириш; касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида ахборот-коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадли равишда самарали фойдаланиш; ўқувчилар касбий фанлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммолардан биридир [14].

Психологияда фаолият – шахснинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган онгли муносабати ва ҳатти-ҳаракатларини амалга ошириш шакли сифатида қаралади. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, шунингдек ўқув-билиш (ақлий)

фаолияти ҳам психологик тайёргарликсиз кўзланган самарани бермайди. Демак, махсус фанларни ўқитиш жараёнида таълим олувчининг ўрганилаётган ўқув материалга нисбатан қизиқиш, ҳавас, хоҳиш-истак уйғотиш, мантиқан ва ижодий фикрлашига шарт-шароит яратиш зарур.

И.А.Аллаёров таълим-тарбия ишининг мазмуний ва жараёний томонларини яхлит ҳамда уйғунликда тадқиқ этиб, “фаол таълимнинг дидактик асослари - бу, жараён иштирокчиларининг онгли, оқилона муносабатларини ўрнатилиши ва юкори сифат ҳамда самарадорликни таъминланиши” деб талқин этган [6].

Фаол билиш – деб кўрсатади А.М.Матюшкин, - мунтазам равишда, бирин-кетин топшириқлар бериш, муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш натижасида юзага келади. Модомики, фаоллик онглилик натижасида вужудга келар экан, у махсус фанларни ўрганиш мазмуни, шакли, метод ва воситаларини мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади. Фаоллик даражасини белгилашда материалнинг амалий жиҳатдан муҳимлиги, мураккаблик даражаси ҳисобга олиниши лозим [19].

И.Я.Лернер фаолликни мустақилликнинг шарт-шароити сифатида қарайди, чунки шахс фаол бўлмасдан мустақил бўла олмайди. Муаллиф фаоллик ва мустақиллик даражалари сифатида “оддий фаоллик”, “ҳақиқий мустақиллик” терминлардан фойдаланган [20].

Фикрлаш фаолияти ўз навбатида маълум шарт-шароит яратилишини тақозо этади. Демак, фикрлаш учун зарур бўлган оқилона шарт-шароит яратилса, таҳсил олувчи фаол фаолият кўрсата олиши мумкин бўлади.

Ўқитувчи машғулот жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш учун мураккаблик даражасидан келиб чиқиб ўқув материални турли шакллари ишлаб чиқиши керак. Махсус фанларни ўрганишда фаолликнинг қуйидаги даражаларидан фойдаланилган [19]:

4. Фаолликнинг биринчи даражаси - ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларини қайта такрорлаши, уни хотирада тиклаши ҳамда ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги ва кўрсатмалари асосида унга эргашиб бажа-

радиган ишлари ёки берилган намунага қараб айнан бажарадиган топшириқлари жараёнида намоён бўлади. Чунки, ўқувчиларнинг ўтилган назарий материални эслаши, унга мос келадиган ишлаб чиқариш мазмунидаги масалаларни намунага қараб ечимини топиш ҳатти-ҳаракатларини қайта хотирлашга хизмат қилади.

Қайта хотирлаш характеридаги ўқув топшириқлари ўқувчилардан қайта хотирлаш даражасидаги фаолликни талаб қилади.

Ўқувчи намунага биноан иш ҳаракатларини бажарар экан унинг фаоллиги чегараланади, яъни у белгиланган доирадан четга чиқа олмайди. Машғулотда кўпроқ тушунтириш-намоёиш этиш ва фаол методлардан фойдаланганилганда фаолликнинг ана шундай биринчи даражасига эришилади.

5. Фаолликнинг иккинчи даражаси – ўрганилаётган объект ёки жараённинг моҳиятини тушунишни, маълум маънода ижодий фикрлаш элементларини тақозо этади. Фаолликнинг бундай даражаси ўрганилаётган объект ва жараёнлардаги ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш, ўзлаштирилган билимларни маълум ўзгартирилган ҳолат ва вазиятларда қўлланишини кўзда тутаяди.

6. Фаолликнинг учинчи даражаси ижодий характердаги ҳатти-ҳаракатларни талаб этади. Кўзланган ўқув мақсадга эришиш йўлида ижодий фаолиятни кўрсатади. Қисман изланиш характеридаги фаолият тўла ижодий характерга эга бўлади. Фаолликнинг бу даражасида эгалланган билимлар тизимли, чуқур ва пухта бўлиб, улардан исталган шароитда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, фаоллик ўқувчи фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Фаоллик даражаси биринчидан, ўқувчиларнинг ўқув материални ўрганишга қизиқиш, уларда мустақиллик каби хусусиятларини қандай даражада мавжудлиги билан белгиланса, иккинчидан, ўқитувчи томонидан таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш мақсадида яратилган шарт-шароит, танланган шакл, фаол метод ва дидактик воситаларга боғлиқ бўлади.

Фаол таълим методларидан ўринли ва мақсадли фойдаланилганда пировард натижа-таълим самарадорлиги анъанавий таълимдагига нисбатан хар доим юқори бўлади. Энг асосийси ўқувчида мустақил фикрлаш, турли масалаларни ва муаммоларни мустақил ечимини топиш, ўз-ўзини назорат қилиш каби малакаларни шаклланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида таълим муассаса битирувчиларининг мустақил ҳаётга қадам қўйишларида, меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этади [27].

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларнинг машғулотларда мустақил мунозара ва фикр юритишга, уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг фаол усуллари ишлаб чиқилган [30].

Касб-ҳунар таълимида фаол метод ва усулларни танлаш ҳамда қўллаш бўйича Л.В. Голиш ва Б.С. Нуриддиновларнинг илмий тадқиқот ишларида акс эттирилган [13,28].

С.Ашурова томонидан касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни модулли технология асосида ўқитишда фаол усулларни қўллаш имкониятлари ўрганилган ва амалда қўллаш методикалари ишлаб чиқилган [9].

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни лойиҳа усулини қўллаб ўқитиш методикаси Д.Файзуллаева томонидан тадқиқ қилинган [39].

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўрганишда фаолликни таъминлашдан олдин ўқувчиларнинг билим даражаси, уни ўзлаштирганлиги ҳамда эгалланган билимларни амалиётда қўллаш олиш кўникма ва малакаларни таҳлил қилиш зарурияти туғилади. Чунки эгалланган билимларни хар томонлама таҳлил қилмай туриб, ўқувчиларнинг фаол фаолият кўрсатиш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди [17].

Касб-ҳунар таълимида амалий кўникмаларни ўргатиш, асосан меҳнатни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, чунки бундай таълим қисмлари касбий-мантиқий эмас, балки ҳаракатларга йўналган тарзда кечади. Кўпинча ўз касбини, соҳасини аъло даражада эгаллаган мута-

хассислардан мисол учун бирор иш тартибини тушунтириб бериш сўралса, улар кўпинча сергаклик билан тушунтиришни бошлайдилар, иккинчи даражали масалаларга тўхталиб, қисқа ва лўнда тушунтириб бера олмайдилар [30].

Шу ўринда мустақил таълим тўғрисида фикр юритамиз.

Мустақил таълим-ўқитувчиларнинг ўқув мақсадлари кафолатли эришишларини, шунингдек фан дастурлари доирасидаги ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари бўйича мустақил ишларни бажаришларини назарда тутди. Ўқитувчилар эса ўқувчиларнинг мустақил таълим олишга интилашларини рағбатлантиришлари ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Ўқувчи якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; ўз вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга интернет тармоғидаги мавжуд электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш қулайроқми-ўқувчи мустақил ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам яхши билиши керак. мустақил таълимнинг асосий моҳияти ҳам шундаки ўқувчиларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи томонидан машғулотларда берилаётган билимлар бўлиши керак эмас. Мустақил таълим шараотида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалларини ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топишга ундашлари ва йўналтиришлари лозим [11].

Мустақил таълим – ўқитиш мақсадлари, тамойиллари ва мазмуни мос ҳолда ва ташқи таъсир ёрдамисиз амалга оширилиши керак.

Мустақил таълим олиш ўқувчининг ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар эса ўқув – материалларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади.

Шахснинг мустақиллиги унинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги, фикрлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эриши йўлида бор кучни сарф этиш каби хусусиятларининг бирлигидир.

Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда ўқувчини мустақил билим олишни самарали ташкил этиш орқали ўқувчини ижодий фаолият юритишга ва шу билан унинг мустақил изланишига ундайди.

Мустақил билим олиш педагогик технологияга нисбатан жуда муҳим талабаларни қўяди. Таълим муассасадаги ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги фаолиятининг якуний натажаси олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда ўқувчи аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаганг натижага эришиш керак, яъни ўрганаётган ўқув материаллари бўйича билим, кўникма ва малакаларининг аниқ ҳажми ўзлаштириши лозим.

Мустақил билим олишининг мақсади, тамойили, усули, методи, восита ва шартлари аниқ кўрсатилиши зарур ҳамда уларнинг танланиш ва самарали амалга ошириш кўзланган натижага олиб келади.

Ўқувчи ўзи олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши керак ўқувчиларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маърузаларида берилаётган билимлар эмас балки ўқувчи ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, ўқувчининг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун кўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Ҳар бир бўлажак замонавий мутахассис мустақил равишда таълим олишга ва ўрганишга шундай тайёрланишлари керакки, улар нафақат ҳозирги мавжуд техника ва технологияни билиши, балки янги техника ва технологияни анча қисқа муддатда ҳамда самарали ўзлаштириш олишлари лозим. Шунини таъкидлаш керакки, бўлажак кичик мутахассисда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириб бориш алоҳида педагогик

вазифа ҳам ҳисобланади ва бу вазифани амалга ошириш учун махсус методикалар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Биз томондан касб-ҳунар коллежларида ўтказилган педагогик тажрибалар асосида махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларда зарурий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш учун қуйидаги фаол усуллардан фойдаланиш юқори самара бериши аниқланди.

1. Мотивация усули.

Махсус фанлардан назарий машғулотлар ўқувчилар билан қизиқарли, хаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланиши лозим. Иложи бўлса, дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Масалан, қизиқарли кашфиёт ёки янгилик танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида ўқувчиларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда ўқувчилар ўрганидиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар, дарс биринчи бор янги ўқув гуруҳида ўтилаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, ўқувчиларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу ўқувчиларда ишонч туғдиради, ўқувчилар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиладилар. Назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринли (ички) ҳамда экстринли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади [25].

Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларга махсус фан бўйича янги ўқув материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин – машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Ўқувчиларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма

материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва ўқувчилар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

2. Мунозара усули жараёнида юзага келадиган баҳслашиш фикр-лашнинг ифодаси бўлибгина қолмай, шаклланиб келадиган шахс ўзининг бирор нарсани ҳал этиш, мустақилликда катталар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ёқлаш эҳтиёжидир. Дарс жараёнидаги баҳс чоғида ўқитувчи ўқувчилар билан баравар ҳақиқат изловчиси бўлиб ҳаракат қилади. Ана шу баҳсда у ўз билимини намойиш этади, кенг фикрлайди, фикрларни далиллар билан асослайди, бу фазилатлар эса ўқувчилар ўртасида ўзаро катта ҳурмат уйғотади. Баҳс жараёнида ҳар бир ўқувчининг “шахсий фикри”, ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси юксак қадрланади.

3. Машқ - бу ўтилган ўқув материалларини амалиётда қўллаш мақса-дида, режали ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир. Ушбу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, у кўникма ва мала-каларни самарали шаклланишини таъминлайди [13].

Машқ-кўникма ва маҳоратларнинг ташкил этувчилари бўлганлиги каби ишлаб чиқариш таълимининг ҳам асосий усули бўлиб ҳисобланган машқлар билан шаклланади. Машқ деганда онгли равишда маълум бир фаолият усули бўйича амалий ҳаракатларни кўп маргалаб такрорлаш тушунилади [16].

Талабаларнинг мустақил кузатуви. Бу усул асосан мураккаб тузилишдаги жиҳозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбни эгалламоқчи бўлган талабаларнинг ишлаб чиқариш таълимида қўлланилади.

Кузатув ўқувчилар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқариш таълими устасининг назорати ва унинг кўрсатмалари бўйича ўтказилади. Топшириқда одатда мустақил кузатувлар мақсади қўйилади, уларни ўтказиш тартиби кўрсатилади ва кузатувлар натижаларини қайд қилиш бўйича кўрсатмалар берилади [29].

Махсус фанлар бўйича машқларни қуйидаги турларидан фойдаланилади. Шарҳланган машқлар ўқув жараёнини фаоллаштиришга, вазифаларини онгли равишда бажарилишига хизмат қилади. Ушбу машқларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ва ўқувчилар бажарилаётган ишларни шарҳлайдилар, натижада улар ўзлаштирилади ҳамда тушуниб етилади. Аввал бунга энг яхши ўқувчилар жалб этилади, кейин эса ўқув материални тушунтиришда бутун гуруҳ иштирок этади. Шарҳланган машқлар усули ўқув машғулотининг юқори суръатини таъминлайди, материални барча ўқувчилар томонидан онгли ва мустақил равишда, мустақкам ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурини тараққий эттириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ.

Ёзма машқларнинг асосий вазифаси – керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, чуқурлаштириш ҳамда мустақкамлашдан иборат.

График машқлар ишлаб чиқариш жараёнлари босқичларини ўрганиш жараёнида ишлатилади.

Лаборатория - амалий машқлар меҳнат асбоблари, лаборатория ускуналари (жиҳозлар, ўлчов аппаратлари) фойдаланиш малакаларини эгаллашга имкон беради, конструкторлик-техник маҳоратни ривожлантиради.

Ишлаб чиқариш - меҳнат машқлари ўқув ва ишлаб чиқариш характеридаги алоҳида ишлаб чиқилган тармоқни ташкил этади. Улар оддий ва мураккаб бўлади: биринчиси – алоҳида меҳнат усулларини бажариш машқлари, иккинчиси – ишлаб чиқариш – меҳнат ишларини бутунлигича ёки уларнинг

талай қисмини (станокларни созлаш, детал қисмларини тайёрлаш ва ҳ.к.) кўзда тутилган.

4. Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйин – муаммоли вазифанинг бир тури бўлиб фақатгина матнли ўқув материали ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият сахналаштирилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар таълим усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ўргатувчи: умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;
- мотивацион: ўқувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишишга рағбатлантирмоқ;
- тарбиявий: маъсулиятни, мустақилликни шакллантириш.

5. Муаммоли вазифалар усули – ўқувчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган усулдир. У, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат. Бу усулнинг етакчи функцияларига қуйидагилар киради:

- ўргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;
- ривожлантирувчи ўқувчиларда таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;
- тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар усули ўқувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга, асосланган: илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантиқий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

6. Топшириқ усулининг ижобий томони шундаки, унда ўқувчилар учун яқка ҳолда эмас, гуруҳ билан биргаликда ўтилган материални қайта кўриб чиқиб, эсга туширишлари учун шароит яратилади. Бунда ўқувчилар билмаган ёки ёддан чиқарган билимарини бир-бирларидан ўрганадилар. Мустақил бажаришга мўлжалланган топшириқлар ўқув семестри давомида ўқувчилар томонидан амалга оширилиб борилса, ўқувчилар материални ёдларига тушириб, якуний назоратларни яхши топширишларига ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ривожлантирувчи яна бир самарали топшириқ тури – бу муаммоли топшириқлардир.

Муаммолар ечими бўйича ишлаш қуйидаги тартибда бўлиши мумкин.

1. Ўқувчилар гуруҳларда ишлайдилар. Уларга умумий ечим, мустақил қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоли матн ёки топшириқ берилади.
2. Ўқувчилар муаммо ечимини муҳокама қиладилар ва биргаликда муаммо ечими бўйича умумий қарорга келишга ҳаракат қиладилар.
3. Кейин гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар.

Бундай турдаги топшириқлар одатда қизиқарли муҳокамаларга олиб келади, ўқувчиларнинг дунёқараши, мулоҳаза юритиш, ўз фикри ва ёндашувини исботлаш, қарор қабул қилиш ҳамда умуман мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқитувчи фақат топшириқ шартлари билан таништиради, қолган ишларни эса ўқувчилар ўзлари бажаришади.

Бундай вазифаларни бажариш учун ўқувчилар аудиториядан ташқари мустақил изланишларни талаб этилади ва шу билан касбий ҳамда амалий кўникмаларни ривожлантиришга рағбатлантирилади. Лойиҳавий ишлар учун мавзу ва топшириқлар ҳаётий воқеа, далиллар ҳамда намуналардан олинishi мумкин. Махсус фанлар бўйича ўрганилаётган жараёнлар ва объектларни

ўрганиш ҳам турли топшириқлар орқали бажариладиган лойиҳалар сифатида берилиши мумкин.

Биз томондан махсус фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган турли машқлар ҳамда топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб амалда жорий этилди.

Ишлаб чиқариш таълимининг “фаол” усуллариغا, шунингдек турли хил ишлаб чиқариш вазиятларида мустақил қарор қабул қилишга ва ечишга йўналтирилган махсус машқлар ҳам киради. Бундай машқлар талабаларни ҳақиқий шароитларда юзага келувчи ўхшаш вазиятларда ҳаракатларга тайёрлайди.

Машқ учун машинада иш шароитини у ёки бу даражада ўхшатувчи, шунингдек муайян иш жойида юзага келувчи технологик тартиботнинг асосий бузилишлари вазиятини яратиш зарур. Бундай вазиятлар технологик вазибалар деб аталувчи топшириқларда берилиши мумкин.

7. Йўналтирувчи матн усули. Махсус фанларни ўқитишда мустақил ишларни ўтказишнинг яна фаол бир усули- йўналтирувчи матн усулидир. Бу усул ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир ўқувчи янги кўникма учун керак бўлган билимни олиши мумкин бўлади [15].

Касб-ҳунар таълимида махсус фанлардан ўқитиш жараёнини ташкил этишда ва такомиллаштиришга доир олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, йўналтирувчи матн усули ўқувчиларга индивидуал ёндашиш ва мустақил ишлаш имконини беради.

Ўқитувчи бу усулда аниқ ўқув мақсадига йўналтирилган саволлар ёки топшириқларни ишлаб чиқади. Ўқувчиларга кинематик схемалар, жадваллар, эслатмалар, кўрсатмалар каби ёзма ҳужжатлар берилиши уларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам беради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатига туртки беради ва ишини назорат қилади. Ўқувчи эса ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас, балки бажариладиган топшириқ учун керакли маълумотларни йиғади,

ўз иш таркиби ва вақтини ўзи режалаштиради. Бажарган иш натижасини ўзи баҳолайди.

Йўналтирувчи матн усулининг моҳияти шундаки, ўқувчилар иложи борича ўзлари мустақил ўрганишлари лозим. Шу сабабли савол ва топшириқларни шундай тузиш керакки, улар асосан мустақил ўрганишга қаратилсин.

Йўналтирувчи матн усулини ўқитиш жараёнига қўллаш бўйича ўтказилган тажрибаларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- ўрганиш-ўзлаштириш жараёнининг асосини мустақил бажариладиган иш-ҳаракатлар ташкил қилади;
- ўрганиш мобайнидаги иш-ҳаракатлар ўқувчилар томонидан мустақил равишда режалаштириши, амалга оширилиши, текширилиши ва баҳоланиши лозим;
- иш ҳаракатлар ўзида техникавий, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий, экологик каби масалаларни қамраб олиши керак.
- иш ҳаракатлар ўқувчиларнинг билим тажрибасига интеграция бўлиши лозим.

Ўқувчиларга бериладиган саволлар ва топшириқларнинг ўқув мақсади аниқ белгиланган бўлиши, яъни ҳажми ва мураккаблиги жиҳатидан белгиланган ўқув мазмунларига жавоб бериши керак.

Касб-ҳунар таълимида махсус фанлардан ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш натижасида улар биргаликда мулоқотда бўлиш, режа тузиш, қарор қабул қилиш, ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади.

Юқорида айтилганларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларда мустақил ва ижодий ишлаш кўникмаларини ривожлантириши мумкин ва зарур. Ўқувчилар мустақил ишлаш фаолиятларини ҳам дарсларда, ҳам дарсдан ташқарида ривожлантириб бориш мумкин. Бундай ривожланиш ўқувчининг онглилик даражаси, олинган билим сифати ва ўқишга ишти-

ёқининг ўқишига зарур шароит яратиб, мамлакатимиз келажаги учун муносиб авлодни тарбиялашга кўмаклашади.

Таълим жараёнида талабаларни фаоллаштириш ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган фаол методлардан бири бу “Давра суҳбати”дир [36].

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида барор муаммо ёки саволлар юзасидан талабалар томонидан мустақил фикрларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни айлана шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир талабанинг бир-бири билан “кўз алоқаси” ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд бўлиб: Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва талабалардан ушбу савол бўйича ҳар бирининг мустақил фикрларини билдиришларини сўрайди ва айлана стол бўйлаб ҳар бир талаба ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этади. Сўзлаётган талабани барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса талабанинг мустақил фикрлашга ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир талабага савол ёзилган қоғоз берилади. Ҳар бир талаба савол ёзилган қоғоз устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “жавоб варақаси” нинг бирига ўз жавобини ёзиб, савол ёзилган қоғоз ичига солиб қўяди. Шундан сўнг савол ёзилган қоғозни айлана стол йўналиши бўйича талабалар бир-бирларига узатадилар. Савол ёзилган қоғозни олган талаба ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, савол ёзилган қоғоз ичига солиб қўяди ва ёнидаги талабага узатади. Барча савол ёзилган қоғозлар айлана йўналиши бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча савол ёзилган қоғозлар йиғиб олиниб, кўриб чиқилади ва баҳоланилади.

“Давра суҳбати” методининг тузилмаси қуйидагича:

- Суҳбатни қай тарзда ўтказиш шартлари билан таништириш;
- Савол ёзилган қоғозлар ва “Жавоблар варақалари” ни тарқатиш;
- Савол ёзилган қоғозларга саволлар ёзиш;
- Савол ёзилган қоғозларни ёнидаги талабага узатиш;
- Саволларга жавоб ёзиш;
- Баҳолаш ва муҳокама қилиш.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Ўқитувчи талабаларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир талабага биттадан савол ёзилган қоғоз ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча талаба бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари” тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Талаба савол ёзилган қоғоз ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Талаба савол ёзилган қоғозга шу мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, савол ёзилган қоғоз ичига солиб қўяди.
5. Савол ёзилган қоғозга савол ёзган талаба савол ёзилган қоғозни айлана стол йўналиши бўйича ёнидаги талабага узатади.
6. Савол ёзилган қоғозни олган талаба савол ёзилган қоғоздаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва савол ёзилган қоғоз ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги талабага узатади.
7. Савол ёзилган қоғоз давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган талабанинг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган талаба савол ёзилган қоғоздаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча савол ёзилган қоғозлар йиғиб олинади ва муҳокама қилинади. Ушбу усул орқали талабалар берилган мавзу бўйича ўзларининг фикрларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу

метод орқали талабаларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда талабалар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа талабалар берган жавобларини баҳолашлари ва ўқитувчи ҳам талабаларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча талабалар иштирок этадилар;
- ҳар бир талаба ўзининг баҳолаши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини мустақил ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- ўқитувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;

Талабаларнинг билим даражасига мос ва қизиқарлироқ бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар-муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар ўқув усули сифатида куйидаги вазифаларни бажаради [38].

- Ўргатувчи: умумтаълим махоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- Ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;
- Мотивацион: ўқувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишига рағбатлартирмоқ;
- Тарбиявий: масулиятни, коммуникативликни шакллантириш.

“Эркақлар ва аёллар уст кийимларини тикиш ” ўқув амалиёти фанида ишбилармонлик ўйини усулида ўтиладиган дарсни режалаштирамиз.

Дарс мавзуси: “Аёллар плаши-моделини чизиш, газлама танлаш, лойихасини тайёрлаш”. Дарс тури: ўқув амалиёти машғулоти.

Мазкур мавзунини дарс ўқишнинг “ишбилармонлик ўйини” усулида ўрганиш учун ўқувчиларга ўйин сюжети айтиб ўтилади ва улар орасидан ихтиёрий тарзда ўйин иштрокчилари таклиф этилади. Унда, баён қилинган ҳаётий вазиятлар бўйича, иштирокчилар олдига фаолиятнинг битта умумий мақсади қўйилади: таклиф қилинган муаммони ечиш. Муаммо буюртма асосида тайёрланадиган аёллар плашининг модели учун эскиз танлаш, газлама тавсия этиш ва лойиҳалаш учун ўлчамлар олиб андозаларни тайёрлаш. Бу орқали плашни бичишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, мато юзасига андозаларни кам сарфли этиб жойлаштириш, яқка тартибда ва оммавий ишлаб чиқаришда мато юзасига андозаларни жойлаштиришга қўйиладиган талабларга риоя қилишдан иборат.

Дарс сюжети. Ўқувчилар жамоси 2 та гуруҳга ихтиёрий тарзда ажратилади. Ҳар иккала жамоадаги гуруҳларга янги тикувчилик фирмасини ташкил этиш ва фирма ходимлари ролини ўйнаш тавсия этилади. Бунинг учун махсус анкеталар берилади ва ҳар бир фирма ўзи ҳақидаги маълумотларни анкетага киритади.

Ўқитувчи ходимлар орасидан икки нафар эксперт олдиндан тайинланиб, улар тикувчилик бўйича етарли малакага эга бўлган ходимлар бўлади.

Экспертлар буюртмачи ролини ўтайди. Улар тикувчилик фирмасига келиб, аёллар плаши тиктириш учун буюртма беради. Экспертлардан фирмадаги ходимларнинг мижозга муоамала маданияти, буюртмачини қабул қилиш одоби, буюртма учун олинадиган ўлчамларни олишдаги хатоларига этибор бериш, буюртмани тайёрлашдаги жараёнини таҳлил қилиб бориш ҳақида огоҳлантирилади.

Мижоз ўзи фирмани танлаб олиши мумкин. Ўқувчиларга ёрдам бериши тақиқланади. Фақат фирмадаги ходимлар фаолияти ва жараёнини кузатиш лозим.

Шу билан бир вақтда, ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариш керак, масалан ролларни қуйидагича тақсимлаш мумкин: буюртмачи фирма директори, модельер-конструктор, бичувчи, синов таянч ёки тайёрлов бўлимидаги андазачилар гуруҳи, тикувчи-технолог, натижани баҳоловчи мутахассис-экспертлардан иборат гуруҳ. Шунинг учун, ечимни ишлаб чиқиш жарёни индивидуал-гуруҳли характерга эга: ҳар бир иштирокчи, аввал ўзининг ролли мақсадига мувофиқ қарор қабул қилади, кейин эса гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий ролли мақсадни бажарилиши бутун гуруҳ аъзолрининг натижаларига боғлиқдир. Одатда, ишбилармонлик ўйини давомида муаммони ечиш бир нечта босқичда содир бўлади (2-3 тадан 10 тагача ўйин мобайнида).

Ишбилармонлик ўйини вазиятга кўрсатилган муаммони ечиш бўйича қатнашчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришига асосланган. Мавзу қатнашчиларнинг битта мажбурий мақсадлари бор-муаммони ечиш. Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган ўйин сюжети мумкин қадар ҳаётий бўлиш керак, лекин қатнашчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги лозим.

Ўқув хонаси кўриниши, мисол учун ҳар бир гуруҳга ўз “Ишхона”сини ажратиб бериш мақсадида ўзгартириш, шубҳасиз, ўйинни ҳам, ўқув жарёнини ҳам самарали бўлишини таъминлайди. Масалан, буюртмачидан буюртма қабул қилиш столи, буюртманинг модел эскизини чизиб, лойиҳасига мос андазаларни танлаш учун тажриба-синов цеҳи, асосий жараён кузатиладиган-андозаларни мато юзасига жойлаштириш ва ҳисоблашларни амалга ошири учун тайёрлов цеҳи каби “Корхона бўлимлари”ни синф парталарини маълум тартибда бирлаштириб жойлаштириш орқали тайёрлаш мумкин. Дарсда қуйидаги жиҳозлардан самарали фойдаланилади: қатнашчилар учун йўриқномалар, маълум кийим эскизи намуналари, уни тиклаш учун керакли ишчи андозалар, мато сатҳини эслатувчи қоғоз ва плакат, юмшоқ ва қаттиқ қаламлар, ўчирғич ёки бўр, см.ли тасма, калькулятор, мато сатҳини ҳисоблаш тартиби ва формулалари

киритилган кўрғазмалар, мато сатҳи сифатида синф тахтасидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Ролли ўйинда “Тадбиркорлик ва бизнес асослари” фанини яхши ўзлаштирган ўқувчиларнинг муваффақиятли иштирок этиш имкониятлари кўпроқ бўлади.

“Эркаклар ва аёллар уст кийимларини тикиш” ўқув амалиёти фанидан “Аёллар плаши маделини чизиш, газлама танлаш лойиҳсини танлаш” мавзусини ўтиш бўйича ишбилармонлик ўйининг технологик харитаси.

Иш	Фаолият.	
Босқичлари ва мазмуни	ўқитувчи	ўқувчи
I-босқич тайёорлов	Мавзу танлайди,мақсад, вазифа ва натижаларни шакллантиради;ўрганилаётган муаммони баён қилади;қўйилган вазифани асослаб беради;ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқади, ўйин тартибини, вазият мазмунини ва қатнашчиларнинг хусусиятларини баён қилади; қатнашчилар учун йўриқномалар ва ўйиннинг атрибутларини тайёрлайди, қатнашчиларнинг фаол иштирокларини баҳолаш мезонларини аниқлайди.	Мавзу баёнини диққат билан тинглаб ўлаёткидан келиб чиқиб рол танлайди. Роллар: буюртмачи, маделер-фирма директори, бичувчи, синов таянс ёки тайёрлов бўлимидаги андозачилар гуруҳи, тикувчи-технолог, натижани баҳоловчи мутахассис-иктисодчилардан иборат эксперт гуруҳи.
II-босқич ўйинга кириш.	Қатнашчиларни ва экспертларни йўлга солади, иш тартибини аниқлайди, машғулотнинг асосий мақсадини аниқлайди, муаммони қўйиш ва вазият танлашни асолайди, натижани баҳолагш мезонини эълон қилади. Қатнашчиларга эскиз намунаси ва андозалар солинган пакетлар, йўриқномалар, ўйин қаҳрамонларнинг хусусияти,	Материалларни, ўйин сюжетини биргаликда таҳлил қиладилар, ҳар бир ўқувчи ўз қобилияти, мавзуда белгиланган топшириқни уддалаш имкониятига кўра ролларни бўлиб олади. Ўқувчилар кийим намунасини якка тартибда тайёрлаш жараёнининг ўзига хос

	вазият кўрсатмаларни тарқатади.	хусусиятини эслаб, бажаришга тайёрланиб турадилар.
III-босқич ролларни бажаришга тайёргарлик	Кузатилади, индивидуал Маслаҳатлар беради. Мато юзасида андозаларни кам харажатли қилиб жойлаштиришда оммавий ишлаб чиқариш ва якка тартибда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларни ва фарқларни эслатиб ўтади.	Ҳар бир катнашчи сценарийда ёзилган ўз роли мақсадини амалга оширади; мато юзасига андозаларни кам сарфли қилиб жойлаштиришга ҳаракат қилади. Керак бўлса қўшимча ахборот йиғиб, ўқитувчи ёки текширувчилардан маслаҳат сўрайдилар. Асосийси, мавзу бўйича назарий машғулотда ўзлаштирилган билимларини амалда қўллаб амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлайдилар.
IV-босқич ўйин жараёни	Ўйин йўналишини ўгартириш ва бевосита аралаштириш ҳуқуқсиз кузатади. Ўйиннинг оралиқ натижаларини баҳолашни амалга оширади (таъминлайди), шу билан бирга катнашчиларнинг фаолиятига уларни онгли ёндашишини кўтариш мақсадида ўртача таъсир кўрсатади.	Қатнашчилар тасдиқланган шартларга биноан, бир-бирлари билан фаол ҳамкорликда рол ўйнайдилар. Ҳар бир бўлим ходими ўз зиммасидаги вазифаларни хатосиз бажаришда ҳаракат қилади. Асосий мақсад андозачилар гуруҳи томонидан мато юзасига андозаларни кам сарфли қилиб, ратционал жойлаштиришга қаратилган бўлади. Шу билан бирга андозалар орасидан қолган чиқиндилар 15%дан

		кўп бўлмаслиги учун ҳисоблашлар бажрилади.
V-босқич таҳлил қилиш, натижаларни баҳолаш ва яқун яшаш	Ўйин яқунини муҳокама қилишни йўлга солади. Таҳлилни илгари эълон қилинган кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан чегаралайди. Бунда қатнашчилар томонидан берилган мавзуни тушунишдан ташқари ролли мақсадларга етишиш даражаси, танқидий кузатишларнинг предмети бўлиб қатнашчиларнинг мимикаси, имо-ишоарси уларнинг ўқув қуроллари билан бўлган муомаласи бўлиши мумкин.	Андозачилар гуруҳидан вакил жараёни изоҳлаб бериб якка тартибда ва оммавий тарзда тикиладиган буюмларни бичишда андозаларни мато юзасида жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини таққослаб берадилар. Экспертларнинг чиқишларини тинглайдилар, фикр алмашадилар, ролли мақсадларга эришиш учун ўз қарорларини химоя қиладилар.
VI-босқич яқун яшаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Қўлга киритилган кўрсаткичларни изоҳлайди, хатоларни кўрсатади, машғулотни узил-кесил хулосасини аниқлайди, ўйиннинг ўқув фани билан боғлиқлигини белгилайди.	

«Мулоқот» технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология талаба (ёки ўқувчи)ларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашига, ўз фикрларини эркин баён этишига ҳамда уларда бахслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот талаба (ёки ўқувчи)ларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказилади [18].

Технологиянинг мақсади. Танланган мавзу, муаммо асосида талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган

муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда бахслашишларига шароит яратиш, мулоқотга кириш ва мулоқот кила олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши. Амалий, лаборатория, факультатив машғулотларда ва дардан ташқари вақтда ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Ватман коғози, фломастер, маркетлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ў - ўқитувчи машғулотни бошлашдан аввал талаба (ёки ўқувчи)ларни мулоқот, бахс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу дарснинг боскичма-боскич ўтказилишини тушунтиради;

/ - ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларни мавзу йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратади;

Ў - ҳар бир кичик гуруҳ жамоаси ўз йўналиши бўйича тайёргарлик бошлайди: бошқа кичик гуруҳлар билан мулоқотга кириша олиши учун ўз йўналиши бўйича турли материаллар, кўрғазмали қуроллар, турли ривоят, олим ва мутафаккирларнинг фикрлари ва ш.к. кабиларни тайёрлайди;

Ў - кичик гуруҳлар ўртасида асосий мавзу ва унинг йўналишлари бўйича мулоқот бошланади;

У - ўқитувчи гуруҳларнинг фикрларини мақсадли йўналтириб боради ва асосий мавзу кичик гуруҳлар томонидан ёритилгач, у айtilган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда мулоқотни якунлайди.

Технологияни ўтказиш алгоритми:

1-боскич. Ўқитувчи машғулотни мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди. Масалан, «Сиз қайси маданият тарафдорисиз: Шарк ёки Овруро?» Шу мавзунини ўртага ташлаб талаба (ёки ўқувчи)лардан Шарк маданияти ва Европа маданияти тарафдорларини (кийиниш, муомала қилиш, муносабат

ўрнатиш ва х.к.) аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга ажратади ва уларга тайёргарлик кўришлари учун шароит ҳамда имкониятга қараб аниқ вақт белгилайди.

2-боскич. Ҳар бир кичик гуруҳдаги талаба (ёки ўқувчи)лар ўз мавзулари асосида керакли материаллар (далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, у³ фикрларини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, имкон бўлса, видеофильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари ва бошқалар)ни тайёрлайдилар. Кичик гуруҳдан бир кишини химоя учун танлайдилар, колганлар эса ўз фикрларини кўшимча қилишлари мумкин.

3-боскич. Кичик гуруҳлар химояга тайёр булгач, ўқитувчи кичик гуруҳларнинг бирига химоя учун сўз беради (химояга чиқиш ихтиёрий равишда булиши мумкин). Кичик гуруҳ вакили жамоа номидан сўзга чиқиб, уларга берилган мавзу асосида тайёрланган материаллар ва далиллар асосида химоя қилишга киришади. Кичик гуруҳ вакили сўзини тугатгач, жамоанинг колган аъзолари ўз фикрлари билан кўшимча қилишлари мумкин.

4-боскич. Машғулотнинг 3-боскичидаги каби бу боскичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гуруҳ вакилига химоя учун сўз беради. Иккинчи кичик гуруҳ ҳам биринчи кичик гуруҳ каби ўз мавзуси бўйича химоя қилади. Ҳимоя тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги боскичига ўтади.

Изоҳ: Ҳар иккала кичик гуруҳнинг химояси вақтида ўқитувчи иложли борица уларга халақит бермасликка, ўз фикр-мулоҳазасини билдирмасликка, савол бермасликка ҳаракат қилади. Ҳеч қайси кичик гуруҳга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради. Кичик гуруҳлар химояси вақтида тартиб сақланишига ва мулоқотни ўтказишига қўйилган талаб, қоидаларни тўлиқ бажарилишига эришишига ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, икки кичик гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

5-боскич. Кичик гуруҳлар бир-бирларига саволлар беришни бошлайдилар. Кичик гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар, уларнинг химояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида ўз гуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб,

исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват килиш учун берилиши мумкин. Талаба (ёки ўқувчи)лар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратган ҳолда баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

6-босқич. Ўқитувчи ҳар иккала томоннинг саволлари, фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, улар томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масала ҳақидаги фикр-мулоҳазасини баён этади. Кичик гуруҳ иштирокчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни якунлайди.

Ушбу машғулотнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

Ёзма баҳс (дебат)лар услуби

Услубнинг мақсади: талаба (ёки ўқувчи)ларга ўқув хонасидаги тенгдошлари билан биргаликда шу оила жамоатчилиқ фикрини тулқинлантираётган мавзуларда мулоқотлар режалаштириш имконини бериш. Услуб талаба (ёки ўқувчи)ларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш шароитини яратиш, мунозара маданиятини ўргатиш ва ўз фикрини асослаш қобилиятини ривожлантириш [18].

Бу услубдан фойдаланишда ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларни баҳолаш учун асос хизматини утовчи ажойиб материалга эга бўлади. Ёзма баҳслар услубиёти бундай мулоқотларни ўқув хонасидаги барча талаба (ёки ўқувчи)лар иштирокида ёзма шаклда ўтказиш имконини беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Талаба (ёки ўқувчи)лар баҳс мавзуси бўлиши керак булган мавзу билан уй ёки олдин ўтказилган машғулотлар)да танишадилар. Баҳс арафасида ўқитувчи бўлажак мавзу тўғрисида ўқувчиларга ахборот берар экан, баҳслар қай йўсинда ўтишини қисқача тушунтиради (бу, албатта, баҳслар биринчи

марта ўтказилаётган бўлса, жуда мухимдир).

2. Раҳбар гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)ларини иккига ажратади ва уларни ўқув хонасининг икки томонига катор қўйилган столлар ёнига ўтказди ва ҳар бир гуруҳ қатнашчилари қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишларини белгилайди (масалан, 1-гуруҳ - ижобий ҳолат жорий қилиниши тарафдорлари, 2-гуруҳ - бунга қаршилари).

3. Шундан сўнг, раҳбар талаба (ёки ўқувчи)ларни жуфтлайди, ҳар бир жуфтда қарама - қарши қарашлар тарафдорлари бўлиши керак. Жуфтларни тартиб рақами ёки алифбо ҳарфлари билан белгилаймиз. Агар ўқув хонасида талаба (ёки ўқувчи)лар сони тоқ бўлса, ўқитувчи мунозарага етишмаган шерик ҳуқуқида қатнашиши мумкин. Ўқитувчи 1-гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)ларига (келтирилган мисолда - ижобий ҳолатни жорий қилиш тарафдорлари) ҳар бири жуфт санаси (рамзи) билан билгиланган катак коғоз варақларини тарқатади.

4. Талаба (ёки ўқувчи)лар ўқув хонасининг икки томонида ўтириб, жуфтма - жуфт ёзма мулокотни бошлайдилар. 1-гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)ларига ўзлари маъқуллаётган нуқтаи назар фойдасига битта очик далилни шакллантириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Улар бу далилни коғоз варағига пухта таҳрир қилинган параграф шаклида ёзадилар. Бу вақтда 2-гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)лари ўзлари баҳс жараёнида баён этишлари мумкин бўлган нуқтаи назарларини исботлашлари мумкин.

5. Ёзилган варақлар қарши гуруҳдаги шерикларга (ижобий ҳолатнинг жорий қилинишига қарши чиқувчиларга) берилади. Уларга жуфт бўйича шерикларининг далилларига қарши жавоб топиш ва ёзиш учун ҳамда ўз қарши далилларини баён қилишлари учун 8 дақиқа вақт ажратилади.

6. Далиллар алмашишнинг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади, бунда ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) шеригининг далил-исботига жавоб қайтариши ва ўзининг акс далилини келтириши шарт. Талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини аниқлаш учун 3-4 раунд етарлидир. Охири раундда талаба (ёки ўқувчи)ларга якуний параграфни ёзиш имкони берилади.

Шундан сўнг, ёзма иш йиғиб олинади.

7. Баҳсларга яқун чиқаришнинг яхши шакли - иккала томонга қаратилган саволдир: «Қарши томоннинг энг яхши далили - исботлари қайсилар бўлди?»

8. Ўқитувчи ишни яккама-якка ёки жуфти бўйича баҳолаши мумкин. Агар ўқитувчи ёзма ишни баҳолашни режалаштирган бўлса, у хақида талаба (ёки ўқувчи)ларни дарснинг бошидаёқ огохлантириши керак.

Таълим муассасаларининг машғулотида ёзма баҳслар услубини фойдаланиш мобайнида қуйидаги жадвал кўринишида келтирилган тарқатма материалдан фойдаланиш мумкин:

«Консенсус и конфронтация» ролли-ишчан ўйини
(«Келишув ва зиддият»)

Технологиянинг максоди: талаба (ёки ўқувчи)ларда мантикий ва танқидий фикрлаш ҳамда мурасага келиш махоратини шакллантириш ва болалар ҳуқуқлари муаммолари билан боғлиқ бўлган тушунчаларини аниқлаш.

Машғулоти ўтказиш кетма-кетлиги:

Ўйинни бошлаш.

Мазкур босқичнинг вазифаси: у ёки бу фикрни тўғри эканлигини исботлаш орқали оппонентларни ўз томонига оғдириш.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

Талаба (ёки ўқувчи)ларга бирин-кетин тасдиқловчи фикр ёзилган тарқатма материаллар кўрсатилади. Уларга тарқатма материалларда берилган фикрларни қабул қилиш ёки қилмаслик таклиф қилинади. Тарқатма материаллардаги фикрларни қабул қилган талаба (ёки ўқувчи)лар бир томондан, қолганлари иккинчи томондан жой эгаллайдилар. Шундай қилиб гуруҳ 2 та кичик гуруҳларга ажралади. Улардан бири тасдиқланган фикрни қабул қилади ва унинг тўғрилигини исботлайди, бошқа гуруҳ эса, оппонент бўлади. Гуруҳларнинг вазифалари - ўз гуруҳларига бошқа гуруҳ аъзоларидан кўпроқ кишини жалб этиш, яъни уларни ўз фикрларини ўзгартиришга олиб келишдан иборатдир. Ҳар бир тасдиқланган фикр устида 5 дақиқа ишланади.

Тарқатма материалдаги тасдиқланган фикрлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- болалар ҳуқуқлари ҳеч қачон етарлича ҳимоя қилинмайди;
- ўзининг ҳуқуқларини билиш ва уни ҳимоя қилиш шарафли ишдир;
- «Болалар шахсий ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгадирлар». Бу ҳақиқатни катталар ҳеч қачон қабул қилолмайдилар;
- ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила туриб, баъзида ўзаро зиддиятларга ҳам дучор бўлишга тўғри келади;
- ўз ҳуқуқларимни ҳимоя қила оламан, турли услубларни маъқуллай оламан;
- ҳар бир бола учун ўз ҳуқуқларини билиш ўта муҳимдир;
- масъулият ҳақида эса болага катталар эслатиб туришади;
- ҳамма вақт менинг ҳуқуқларим бошқалар ҳуқуқларини чегаралаб туради;
- ҳуқуқ доимо жавобгарликни сезишни тақозо этади;
- болалар ҳуқуқларини фақат катталар ҳимоя қила оладилар;
- ҳар бир инсон ўз қарашларини ўзгартириш ҳуқуқига эга;
- катталар ҳуқуқлари болаларнинг ҳуқуқларини чегаралайди;
- кучли одам ҳамиша ҳақдир;
- эркақлар ва аёллар ҳеч қачон тенг бўлмайдилар. 2. *Тахлил:*

Мазкур босқичнинг вазифаси: ўйинни ўтказиш вақтида у³ ҳолатини тахлил қила олиш ва қуйидаги саволларга жавоб бериш:

- Ўйин шартларини бажариш қийин бўлдимми?
- Мазкур ишни бажариш вақтида нималарни ҳис этдингиз?
- Бахс - мунозара натижасидан қониқдингизми?
- Натижага эришингизда Сизга нима ёрдам берди ва нима халақит берди?

Бу фаолият ҳамкорликда, кўтаринки руҳда ўтиши, яхши натижа билан тугаши ва суҳбатдош чарчамаслиги керак.

Бахс-мунозараларнинг натижасини албатта таҳлил қилиш ва баҳолаш керак. Унинг муваффақияти: *биринчидан*, гуруҳлар ва уларнинг иштирокчи (ҳамкор)ларини бир-бирларига ўзларининг вазиятлари ва ҳолатларини тушунтириб, янги ахборотлар олишларига, *иккинчидан*, ўзаро муносабат вақтидаги зиддият (ёки салбий ҳолат)нинг бир қисмини йўқ қилинишига эришишларига, *учинчидан*, қўйилган муаммони ечиб, ўзаро бир-бирларини тушунишларига боғлиқ.

3. Мурасага келишишнинг кичик гуруҳда (жуфтликда) ташкил этилиши.

Мазкур босқичнинг вазифаси: икки оппонент ўртасидаги у ёки бу фикрни тасдиқланиш розилигига эришиш.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

Талаба (ёки ўқувчи)ларга бирон-бир тасдиқланган фикрни танлаш таклиф этилади. Бу биргаликдаги иш куйидаги кўринишда: бир киши тасдиқловчи, иккинчи киши эса, инкор этувчи бўлади. Бу фаолият якунида маълум бир жуфтликлар аниқланади (ёки агар кичик гуруҳда уч киши бўлса, учта катнашчи). 10 дақиқа мобайнида конструктив бахс-мунозара кўникмаси ёрдамида мураса (консенсус)га эришиш керак.

Муҳокама қилиш учун тахминий саволлар куйидагича бўлиши мумкин:

- Сизга ўйин шартларини бажариш қийин бўлмадими?
- Ўйин давомида Сиз нималарни хис этдингиз?
- Баҳе - мунозара натижасидан қониқдингизми?
- Натижага эришишда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Машғулоти охирида ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятларига баҳо беради ва машғулоти якунлайди.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган 24 та педагогик технологияларни ўқув жараёнида тулалигича ёки қисман ишлатилиши талаба (ёки ўқувчи)ларда мантиқий, аклий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни

шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятлардан оқилона чиқа олиш, муаммоларни еча олишга ёрдам беради.

Ушбу қўлланмага «Тарбиявий технологиялар» дастури асосида тайёрланган «Миллий маросим ва уларнинг тарбиявий аҳамияти» мавзусидаги махсус бобнинг киритилиши таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ва тадбирларда ҳам ҳозирги кун талаби асосида янги шакллар, услублар ва усулларни қўллаш талаб этилиши сабабидир. Тарбиявий ишларга янгича ёндашув қўшимча маълумотлардан, тавсиялардан, технологик усуллардан фойдаланишни кўрсатиш учун ушбу материалларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу тавсиялардан ҳар бир ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиши мумкин.

«САН» технологияси (учлик - самарали, ахлокий, назокатли)

Технологиянинг максоди: талаба (ёки ўқувчи)ларда яққа, жамоавий, гуруҳ билан ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик фаолияти кўникмаларини, ишга масъулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш ишлари кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: S ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)лар аудиториясини ўтказиладиган машғулотнинг тартиб-қоидалари билан таништиради ва талаба (ёки ўқувчи)ларни 3 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажралишларини илтимос қилади;

S кичик гуруҳларда талаба (ёки ўқувчи)лар қуйидаги ролларга бўлинади: рассом, адабий ва бадий муҳаррир, дизайнер (безакчи). Кейин ҳар бир гуруҳ вакили ўқитувчи столидан топшириқлар ёзилган карточкалар ичидан биттасини танлаб олади.

Топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- деворий газета (бирон мавзуга, байрамга ёки юбилейга бағишланган ёки ҳазил-мутойибали, сатирик ёки ўқув фани ёки гуруҳ, фаолиятига бағишланган ёки мониторинг экрани каби) эскизини тайёрлаш;

- байрам (ёки бирор-бир тадбир)га чорловчи афишанинг (масалан, эълон, ташвикот, таклифнома) эскизини тайёрлаш;

- турли тадбирлар (масалан, байрам)га бағишланган таклифнома патталарининг эскизи ва макетини тайёрлаш;

- табрик откриткаларининг макетларини тайёрлаш;

- бирор тадбир ўтказиладиган жойни безатиш эскизларини тайёрлаш;

- икэбана тайёрлаш.

Кичик гуруҳларга топшириқни бажариб тақдимот қилишлари учун тайёрланишларига 30 дақиқа вақт берилади. Тайёргарлик вақти тугагач, тақдимот бошланади. Тақдимот вақтида гуруҳлар ўзлари тайёрлаган эскиз ва макетлари билан барчани таништирадилар, намойиш этадилар ва асослайдилар, жамоавий ижодий фаолиятдаги ўз вариантларини ҳимоя қиладилар. Тақдимот тугагач, умумий муҳокама бошланади. Муҳокама жараёнида талаба (ёки ўқувчи)лар безатилган, тайёрланган ишларга тегишли талабларни аниқлайдилар, ўқитувчининг ўзи ёки алоҳида тузилган ижодий гуруҳ эса талабалар томонидан билдирилган фикр ва таклифларни махсус хона тахтасига ёки ватман коғозига ёзиб боради.

Машғулот охирида ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларга юқорида берилган турли топшириқлар бўйича бир неча намунавий эскизлардан тарқатади.

Блум саволлари. Таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим омили – ўқитувчининг уларга ва таълим олувчиларнинг ўзаро бир – бирига берадиган саволлари экан. Таъкидланишича, ўқитувчиларни таълим олувчиларга беришган саволларининг 80 – 85 фоизи, фақат далилий билимларнигина талаб қилиб, улар жавоб беришда хотирада қолганларини такроран сўзлаш (башорат) билангина чекланар эканлар.

Тўғри жавоби ўқув адабиётларида яққол баён этилмаган ёки ўқитувчи томонидан айтиб берилмаган саволгина таълим олувчини фикрлашга мажбур қилади. Бундай саволларга жаҳон педагогикасида “Блум саволлари” номи билан машҳур ва ўзлаштиришнинг олтита; билиш, тушиниш, қўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолаш даражаларига мувофиқ бўлган саволлар мисол

бўлиши мумкин. Масалан: “нима учун?”, “таққосланг?”, “таркибий қисмларга ажратинг?”, “энг муҳим хусусиятлари нима?”, “буни сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?”, “бунга мунособатингиз қандай?”, каби саволлар таълим олувчиларга юқори интеллектуал амаллар (таҳлил, синтез, баҳолаш) даражасида фикрлашга ундайди. Ёки, матндан парча ўқиб бўлгандан сўнг, таълим олувчиларни фикрлашга ундовчи қуйидаги саволларни бериш ҳам мақсадга мувофиқдир: “бу парчага қандай саволар қўйиш мумкин?”, “сиз муаллифга қандай савол берган бўлардингиз?”.

Таълим олувчининг таълим олувчиларга берадган саволлари тўғрисида фикр юритилар экан, унинг аниқ, лўнда, тушунарли ва ихчам бўлиши ҳамда бир савол фақат битта ўқув элементи (тушунча, қонун, қоида ва х.к.) сўралиши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Берилган саволлар мазмунида мавзуга ёки матнга оид таянч сўз ва иборалардан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

22. Синквейн (ахборотни йиғиш). Ўрганилаётган материални тўлақон ва пухта англаш учун қўлланиладиган интерфаол методларидан бири бўлиб ҳисобланади. Синквейн – французча беш қатор ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборот ёйилган ва йиғилган ҳолда, таълим олувчи сўзи билан, турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини пухтароқ англашга ёрдам бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг критик фикрлаш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради.

Синквейн тузиш қоидаси:

1. Биринчи қаторда мавзу (топшириқ) бир сўз, одатда от билан ифодаланади (ким?, нима?).
2. Иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади (қандай?, қанақа?).
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти – ҳаракат (функцияси – вазифасини англатувчи) учта сўз (феъл) билан ифодаланади.

4. Тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур (ассоциация)ни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.

5. Охириги мавзуга моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (синоним) ёзилади.

27. Венн диаграммаси. Бу интер фаол метод икки ёки ундан ортиқ тушунчаларнинг ўзига хос ва умумий жиҳатларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришда қўлланилади. Бунда ўнг ва чап доираларга тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатлари, доираларнинг кесишган соҳасига эса, улар учун умумий бўлган жиҳатлар ёзилади. Масалан, “назарий машғулот” тушунчалари учун Венн диаграммаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

28. Зиг – заг – 1. бу ўзаро ҳамкорликда (биргаликда) ўқиш методи бўлиб ҳисобланади. Уни ўтказиш методикаси куйидагича:

- Матн унинг ҳажмига боғлиқ ҳолда қисмларга ажратилади. Тингловчилар (таълим олувчилар) ҳам матн қисмларига боғлиқ бўлган ҳолда 4 – 6 кишидан иборат микрогуруҳларга бўлинади;

- Тингловчилар ўз рақамларига мос бўлган янги (корпорацион) гуруҳларга жамланадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзоси матннинг ўз рақамларига тегишли қисмини (1 – рақамлилар биринчи қисмини, 2 – рақамлилар иккинчи қисмини ва ҳ.к.) ўқиб чиқадилар ва ўқилган қисимни баён этишнинг умумий стратегия (фикрни) ишлаб чиқадилар;

- Тингловчилар ўзларининг дастлабки “қадрдон” гуруҳларига қайтадилар ва уларнинг ҳар бири ўзи ўқиган матн қисмини шундай баён қилиши керакки, гуруҳ аъзоларида матннинг тўла мазмуни бўйича яхлит тасаввур ҳосил бўлсин. Шундан сўнг бир таълим олувчи матннинг тўла мазмунини баён қилади;

- Айрим гуруҳ аъзолари ўз фикрларини баён қилшлари мумкин.

29. Зиг – заг 2. Бу зиг – заг – 1 методининг ўзи, лекин ундан фарқи, таълим олувчиларга тақдим этган матннинг ҳар қисми бўйича аниқ топшириқ (савол) берилади. Улар ўз гуруҳларига қайтганларидан сўнг, берилган топшириқлар бўйича фикрларини баён қиладилар.

Думалок стол методи.

Топширик ёзиб кўйилган қоғоз варағи давра бўйлаб ўтказилади. Ҳар бир таълим олувчи ўзининг жавоб вариантини ёзиб кўяди ва варақни бошқа таълим олувчига узатади. Ҳамма таълим олувчилар ўз жавобларини ёзиб кўйишади, кейин муҳокама бўлади: нотўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига қараб таълим олувчининг билимларига баҳо берилади. Бу методни фақат ёзма шаклда эмас, балки оғзаки шаклда ҳам қўлланиш мумкин.

“Ручка стол ўртасида” методи.

Бутун гуруҳда топширик берилади. Ҳар бир таълим олувчи битта жавоб вариантини бир варақ қоғозга ёзиб уни кўшнисига беради, ўз ручкасини эса, столнинг ўртасига суриб кўяди.

Ротация методи билан фикрларни кўриб чиқиш.

Бу метод машғулот мавзуини ҳар бир кичик гуруҳ алоҳида-алоҳида муҳокама қилиб чиқиши ва ёзганларини бутун гуруҳ таҳлил қилиб кўриши учун қўлланилади.

Ҳар бир кичик гуруҳ 30 минут давомида 3 та топширикни муҳокама қилади, кейинги 15 минут давомида эса, муҳокама биргаликда ўтказилади.

Аудиторияга тартиб рақамлари билан белгиланган бир нечта топширик осиб кўйилади. Ҳар бир кичик гуруҳ (2-3 киши) 10 минут давомида муҳокама қилиб, ўз жавобининг вариантини ёзиб олади-да, сўнгра кейинги топширикқа ўтади ва охиригача шундай қилиб боради.

Давралар.

Таълим олувчилар давра қуриб ўтириб, тақлиф этилган саволни галма-гал изоҳлаб чиқишади. Ҳар бир таълим олувчи ўз фикрини баён қилиб, муҳокамага фойдали улуш кўшиш имконига эга бўлади, чунки барча қатнашчиларнинг фикрини билиш муҳим. Лекин қатнашчилар ўз ихтиёри билан навбатини ўтказиб юборадиган бўлса, бу-тамомила одатдагича ҳол. Баъзан қандай бўлмасин бирор буюм (асбоб, прибор) давра бўйлаб

ўтказилади ва уни олган таълим оловчи ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлади.

Давра бўлиб ишлашда ҳамма, жумладан ўқитувчи ҳам, тенг ҳуқуқлидир; ҳамма бир-бирини кўриб туриши, визуал алоқани кўллаб-қувватлаб бориши ва шу билан бир вақтда сўзлаётган кишининг гапларини диққат билан тинглаши мумкин. Раундлардан кўпгина мақсадларда, жумладан, баҳо бериш, муаммони ҳал қилиш, ижобий мустаҳкамлаш, даврани режалаштириш, ўтказиш учун фойдаланса бўлади.

“Галереяни айланиш” методи.

Кичик гуруҳларнинг ҳамма аъзоларига битта муаммо таклиф этилади. Ҳар бир гуруҳ 10 минут давомида ўз фикрларини ёзади-да, жавоблар зикр этилган варақларни иккинчи гуруҳ билан алмаштиради. Кейинги гуруҳ олдинги гуруҳнинг жавобларини баҳолаши ва жавоб тугал бўлмаса, ўз вариантини таклиф этиши керак.

“Академик мунозара” методи.

Гуруҳ 2 командага бўлинади, буларнинг ҳар бирига вазиятга доир топшириқ берилади. Ҳар бир командада 1-2 нафар таълим оловчи консультациянинг ижобий томонларини муҳокама қилади – булар “адвокатлар” бўлади, бошқалар эса, консультациянинг салбий томонларини таҳлил қилиб чиқади-булар “прокурорлар”дир.

“Адвокатлар” билан “прокурорлар”нинг қўлга киритган натижалари маълум қилинади ва бутун гуруҳ томонидан муҳокама қилиб чиқилади.

Бу методика таълим оловчининг ўша кунги мавзу юзасидан чуқур билимларга эга бўлишини талаб қилади, чунки вазиятга доир топшириқ ёки ролли бўлсин, “прокурорлар” томонидан бўлсин, обдон англаб олиш ва далиллар билан изоҳлаб беришни талаб этади.

“Қор бўрон” методи.

Икки гуруҳ таълим оловчи бир муаммо ёки вазиятни энг кўп миқдорда тўғри жавоблар олиш мақсадида биргаликд муҳокама қилишади.

Ҳар бир тўғри жавоб “юмалоқланган қор” кўринишида ўша гуруҳга балл тариқасида ёзиб қўйилади. Энг кўп балл олган гуруҳга аъло баҳолар қўйилади.

Дискрет динамика методи.

Бу метод муаммони ўрганишга систематик тарзда ёндашишга асосланган. Ундан муаммога қаратилган деб аталувчи курслар учун фойдаланилади, бундай курсларда махсус танланган таълим олувчилар ҳайъати тайинли аниқ бир муаммони алоҳида методика ёрдамида тасвирлайди.

1 босқичда муаммо таркибий қисмларга- суб муаммоларга ажратилади ва мазкур муаммони ҳал қилишни тасвирлаш учун зарур таркиб аниқлаб олинади.

2 босқич субмуаммолар яна майдалаштирилиб, вазифаларга ажратилади.

3 босқич хусусий семинарлар ташкил этилади. Тор соҳадаги ҳар бир мутахассислар гуруҳи учун алоҳида аудитория керак. Жуда бўлмаганида тор соҳадаги мутахассисларнинг 4 гуруҳини битта аудиторияга жойлаштириш мумкин.

4 босқич ёндош семинарлар ўтказилади. Бу босқич ташкилий жиҳатдан ҳаммасидан мураккаб ҳисобланади, чунки айрим ёндош вазифаларни ҳал қилиш учун таълим олувчилар гуруҳини қайта тузишга тўғри келади.

5 босқич умумий (комплекс) вазифалар муҳокама қилинади, уларни ҳал қилиш учун тегишли мақсадга қартилган комплекс дастур ишлаб чиқилади.

Бу хилдаги машғулотлар турли фанлар ва кафедралар учун умумий бўлган муаммолар юзасидан интеграллашган семинарлар ёки амалий машғулотлар ўтказишда бу методикадан айниқса муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Коса методи.

Бу методнинг номи стуллари жойлаштириш схемасидан олинган. Коса очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Ёпиқ коса мана бундай ўтказилади: стуллар бири иккинчисининг ичида турган айлана кўринишида қўйилади.

Марказга жойлашган гуруҳ мунозарада фаол иштирок этади, ташқи айланадагилар эса, статистлардир: марказий доира ичида ўтирганлар, маълум бир кишини ёки бутун жараёни кузатиб борадилар. Муҳокама тугаганидан кейин статистлар фикр алмашишади, шунингдек ё кўриб чиқилаётган масалалар хусусида ёки мажлис ва муҳокамада иштирок этиш имкони чеклангани хусусида ушбу муҳокаманинг уларга нечоғлик тегишли бўлганини изоҳлаб беришади. Ўқитувчининг тескари алоқадан қандай фойдаланиш ва қай тарика фикр алмашиниш кераклигини тушунтириб бериши муҳим аҳамиятга эга. Мана шу кузатувларни қайд қилиб бориш осон бўлиши учун ташқи доирадаги гуруҳнинг бир аъзоси назорат рўйхатини тузади.

“Думаловчи қор уюми” тамойили бўйича шуғулланиш методи.

Думаловчи қор уюми – ўқув машғулоти ўтказиш методининг рамзий номи бўлиб, бу машғулот фикр қилиб, мулоҳаза юритиб кўриш учун таълим олувчиларнинг ҳар қайсисига вақт беришдан бошланади. Кейин икки, тўрт, саккиз кишили ва шу тарика бутун гуруҳ аъзолари қатнашадиган қилиб тузилган гуруҳларда муҳокама бошланади. Бу метод гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бутун гуруҳнинг билимлари ва тажрибасидан фойдаланиб туриб, ўз нуқтаи назарини баён қилиш, ахборот ва изоҳлардан иборат аралаш ҳолдаги бой фикрларни билдиришга имкон бериш мақсадини кўзда тутаяди. Кичик гуруҳлар билан олиб бориладиган иш гуруҳнинг қандай бўлмасин бирор аъзоси ҳамманинг диққатини ўзига қаратиб, ўз билимларига қамроқ ишонадиган таълим олувчиларни эзиб қўйиши хавфини камайтиради. Методнинг афзаллиги гуруҳ аъзоларининг қобилиятларидаги тафовутларни бир қадар осонлик билан текислаб олиш мумкинлигидир.

“Синдикат” методи.

Гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади, таклиф этилаётган топшириқни уч хил нуқтаи назардан ҳал қилиш зарур.

Шундай қилиб, муҳокама вақтида таълим олувчилар битта касалликка турли шароитларда даво қилиш вариантларини кўздан кечириб чиқишади ва давога доир адабиётда берилган тавсияномаларни-даво қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилишади. Йўл қўйилган хатоларни кўришади, ўз билимларини ошириб, танқидий нуқтаи назардан фикр юритишни ўрганишади.

“Танқидий фикрлаш” методи.

Бу метод орқали таълим олувчи – таълим олувчиларда дарс жараёнидаги баҳсли саволларни ечишда бир-бирларини тинглаш, мулоқот олиб бориш, турлича фикрларни.

Таққослаш, бошқа киши тақдирига бефарқ қарамаслик каби хислатлар ривожланади, масалаларни ечиш ва тегишли хужум чиқариш, каби қобилиятлари ривожланади, тафаккур қилиш (фикр юритиш) тўғри ечимларни топиш малакаларини ўзлаштирадидлар.

Бу метод ҳам фойдаланиш қуйидаги босқичлардан иборат.

1. Таълим олувчи – таълим олувчини ўз фикрини эркин ифодаланг
2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.
3. Таълим олувчи – таълим олувчиларни фикрларини асосланганлигини текшириш.
4. Бошқалар фикрини ўрганиш.
5. Ўз ҳолатини ва ўзгалар фикрини таҳлил қилиш
6. Муаммо бўйича ечим қабул қилиш.

“Қарорлар шажараси” методдан бир мунча мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидаги энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган методлар.

Бу метод аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор, хулосалар моҳиятини яна бир бор таҳлил этиш ва уни ҳар томонлама тушунишга хизмат қилади. Бу метод орқали гуруҳдаги бир нече уй нафар таълим олувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини тўплаш ва баҳолашга ёрдам беради.

Бу метод қуйидаги шартлар асосида фойдаланилади.

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан аввал мунозара – баҳс, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса – қарорларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи гуруҳ таълим олувчиларини 4 ёки 6 нафар қилиб гуруҳчаларга ажратади, муаммони ҳал этиш ва у ҳақида бирор қарорни қабул қилиш учун вақт белгилайди.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган фикрларнинг маъқул ёки номаъқул даражаси ҳар томонлама муҳокама қилинади.

4. Берилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори тўғрисида ахборот берадилар зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида.

Барча ўқитувчи – таълим олувчилар томонидан билдирилган хулоса – қарорларни бир-бири билан таққослайди, саволлар пайдо бўлса, жавоб бериб борилади, ноаниқ бўлган фикрларга аниқлик киритилади.

1-боб юзасидан хулосалар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда ва жаҳон андозаларига мослашув эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи кадрларнинг асосий қисми янги техника ва технологияни чуқур билиши, таҳлил қила олиши ва янгилик яратилиш даражасига эга бўлиши жуда муҳим. Бунинг учун дарсни тушунтириш жараёнида барчага мўлжалланган аммо унча мураккаб бўлмаган усулларни қўллаш, кўرғазмали қуроллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни тадбиқ қилиш, кўпроқ ўқувчиларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ

беришнинг турли йўлларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таълим оловчиларнинг ўқув-билув фаоллаштириш имкониятлари ва фаоллаштиришнинг турли даражалари назарий жиҳатдан ўрганилди.

2. Ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, таълим оловчиларда эркин ва мустақил фикрлаш, турли муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда таълим жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлайдиган фаол таълим усулларида кенг фойдаланиш ўқув натижаларига самарали эришишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Фаол таълим усуллари ўқув жараёнида ўқувчига эркин ва мустақил фикрлашга имкон яратиб, машғулотларда ижодий муҳитни юзага келтиради, ўқувчилар фаоллигини оширади, ўқитувчи эса тайёр билимларни етказувчи эмас, балки билимларни мустақил равишда ўзлаштирилишига ўқувчи учун шароит яратиб берувчи ва маслаҳатига айланади.
3. Касб-ҳунар таълимида махсус фанларни фаол усуллар асосида ўқитиш шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш имкониятларидан эканлиги кўрсатилиб ўтилди. Фаол таълим усулларида максимал фойдаланиш орқали махсус фанлардан қўйилган ўқув мақсадларига, ўқувчиларнинг ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришни ва таълим натижаларига самарали эришиш мумкин. Касб-ҳунар таълимида самарали фойдаланилаётган бир қатор фаол усуллар моҳиятига тўхталиб, афзалликлари ёритиб берилди.
4. Ўтказилган дастлабки изланишлар ва таҳлиллар шундан далolat берадики, фаол усулларни қўллашга оид ишлар кўп бўлсада, касб-ҳунар таълими махсус фанларни фаол усуллар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш билан боғлиқ ишларнинг миқдори жуда кам эканлигини кўрсатиш мумкин. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ҳар қандай махсус фан ўқитувчиси ўз фани бўйича ўқув мақсадига самарали эришишни ўқитиш методикаси орқали таъминлаши мумкин.

2-БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ (“КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ” ФАНИ МИСОЛИДА)

2.1. Фаол таълим методларини танлаш ва ўқув мақсадларини белгилаш

Ҳозирги педагогик амалиётида таълим методларнинг 200 дан ортиқ турлари мавжудлиги эътироф этилади.

Ушбу таълим методларини таълим жараёнига татбиқ этишда турли ёндашувлар ва методикалар мавжуд. Аммо бугунги замонавий таълим шароитида талабаларни таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган фаол методларни қўллашни талаб этади.

Шуни эътиборга олиш керакки, фаол метод танлаш нафақат таълим мақсадига, балки ўқув материали мазмунига ҳам боғлиқ бўлади.

Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш ва ўқув амалий фаолиятларини фаоллаштиришда кўмак берувчи таълим методларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Фаол таълим методларни мақсадли йўналтирилган танлаш белгиланган ўқув мақсадга эришишни кафолатлайди.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади – таълим олувчиларда билим, кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Ўқув фаолиятида таълим мақсаднинг барча жиҳатлари амалга ошар экан, турли таълим методларини биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, таълим методини танлашда энг асосий омил бўлиб аниқ ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Фаол методини танлашда унинг самарадорлик даражасини эътиборга олиш ҳам аҳамиятга эга. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқув материали оғзаки баён этилганда талабалар маълумотнинг 5-10 % ни эслаб қоладилар. Ўқув адабиётларидан мустақил ўқиш маълумотнинг 10-15 % ни,

кўргазмали материаллар эса маълумотларнинг 20-25 % ни ўзлаштиришга имкон беради [13].

Амалий методлар энг самарали метод ҳисобланиб, талабалар онгида маълумотнинг 75 % и сақланиб қолади. Лекин, ўқув-материалларини талабалар томонидан мустақил ўрганиш, амалий машғулотларини мустақил бажариш методлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 % билим ўзлаштирилади ва кўникма шаклланади. Демак, талабаларни мустақил ўрганиш, изланиш, муаммоларни мустақил ечиш, амалий таъсирларига йўналтирилган фаол методларни қўллаш яхши самара беради.

Ўқитиш жараёнида гуруҳдаги талабалар сони муҳим аҳамиятга эга. Агар гуруҳда талабалар кўпчилик бўлмаса, энг фаол методдан фойдаланиб, ўқитишни жадаллаштириш мумкин. Агар талабалар кўп бўлса, фаол методлардан фойдаланиш унга яхши натижа бермаслиги мумкин. Талабаларнинг ҳар бири билан ишлаш учун вақт етишмайди.

Фаол таълим методларини танлашда таълим олувчиларнинг ўқув-билиш имкониятларини, яъни уларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, ҳамда, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини ҳам инобатга олиш муҳим. Ўқув машғулотида тайёргарлик вақтида, таълим методини танлаётиб, биз, албатта, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ҳисобга олишимиз лозим.

Фанга тегишли мавзуларининг ўқитиш кетма-кетлиги ва давомийлиги фаол метод танлашга таъсир кўрсатади. Фаол методларнинг баъзилари талабаларни фаоллаштиришга қанча кўп вақт талаб қилса, топшириқлар ёки амалий фаолиятлари бажарилишига ҳам шунча вақт талаб қилади. Ўқув машғулотида вақти шунчалик чегараланган бўлиши мумкинки, қўллашда кўп вақт талаб қиладиган фаол методдан фойдаланиши имконини бермайди.

Баъзи фаол методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қилинмайди, аммо махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиладиган фаол методлардан фойдаланмоқчи бўлсак, у ҳолда дидактик таъминотни амалга оширишимиз керак.

Таълим олувчиларнинг сони. Ўқув гуруҳидаги таълим олувчиларнинг сони муҳим аҳамиятга эга. Агар улар кўпчилик бўлмаса, энг фаол методдан фойдаланиб, ўқитишни жадал сураётда олиб бориш мумкин. Агар талабалар кўп бўлса, агар сиз фаол методлардан ўзини оқламаган даражада кўп фойдалансангиз, уларнинг ҳар бирига етарли эътибор бериш учун вақтингиз етиши амри маҳол. Катта гуруҳлар учун ўқув материални оғзаки баён қилиш методлари (маъруза, хикоя, тушунтириш) кўпроқ мос келади.

Таълим олувчиларнинг ўқув имкониятлари. Ўқитиш методларини танлашда таълим олувчиларнинг ўқв имкониятларини ҳисобга олиш жуда муҳим: ёши, тайёргарлик даражаси, ҳамда жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини.

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш қобилияти ва уни эътиборга олиш муҳимдир.

Ўқув машғулотида тайёргарлик вақтида, таълим методини танлаётиб, биз албатта, талабаларнинг иш қобилиятини ҳисобга оламиз. Талабаларнинг бир ҳафталик иш қобилиятини ўсиш суръатини акс эттирувчи жадвални келтирамиз.

Таълимнинг давомийлиги. Дастурнинг ёки ўқув курси мавзуларининг давомийлиги табиийки, метод танлашга таъсир кўрсатади. Уларнинг баъзилари талабаларни тайёрлашга қанча кўп вақт талаб қилса, бу фаолиятни бажарилишига ҳам шунча вақт талаб қилади. Таълим муддати шунчалик чегараланган бўлиши мумкинки, кўп вақт талаб қиладиган методни сиз ўйлаганчалик тез-тез ишлатиш имконини бермайди, бу ҳолда бу методларни фақат мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллашингиз мумкин.

Вақт – у ёки бу методни амалга оширишга кетган меҳнатингиз нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Баъзи методлар сиздан бошқаларига нисбатан сиздан кўпроқ тайёргарликни талаб қилади. Шунинг учун бундай методларни қўллашни режалаштираётиб, сиз фаолиятни ташкил қилишнинг

ушбу методини амалга оширишни тайёрлашга вақт ва куч етарлими, деб ўзингизга савол беришингиз керак.

Ўқув-моддий шароитлари. Баъзи методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қиланмайди: компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнит доскаси, махсус жиҳозланган хона. Агар сиз, махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиладиган методлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг нақдлигини таъминлашингиз керак.

Таълим методларининг танлаш мезонлари

Методлар	Дидактик вазифалар	Танлаш мезонлари			Таълим берувчининг тажрибаси
		Зарурий вақт		Моддий-техник шароитлар	
		Тайёрланишга	Амалга оширишга		
Маъруза	Янги материал билан тизимли танишиш, мураккаб тизимлар, ҳодисалар ва ҳоказоларни баён қилиш.	Кўп вақт талаб этмайди.	Ўқув машғулоти гоҳида «қўшалок»	Алоҳида йўқ	Материални мантиқан, тизимли, муаммоли баён этиш, айтиб туриш, нутқ техникасини билиш, таълим олувчиларни педагогик методлар билан фаоллаштириш.
Ҳикоя тушунтириш	Янги материални баён этиш, тушунтириш, таҳлил қилиш, ҳар хил ҳолатларнинг далиллари билан исботлаш.	Кўп вақт талаб этмайди.	10 дақиқага ча	Алоҳида йўқ.	Ўз фикрларини, мантиқан, ишонарли, ҳиссиёт билан ва тўғри баён этиш, асосийсини ажратиш ва унга эътиборни қаратиш.
Намойиш этиш.	Янги материал билан кўргазмали танишиш, тушунчаларни шакллантириш ўрганиш ва англаш, кузатиш, таҳлил қилиш, амалларни бажариш.	Маълум бир вақт.	Назорат қилиш мумкин.	Махсус техник ва ўқув воситалари талаб этилади	Объектни тўғри танлай билиш, унга таълим олувчиларнинг диққатини қаратиш, намойиш этиш техникасини билиш.
Иллюстрация.	Тушунчаларни шакллантириш, ўрганилаётган предмет ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини очиқ бериш.	Маълум бир вақт.	Назорат қилиш мумкин	Ўқув воситалари, баъзан техник воситалар талаб этилади	Энг қулай ҳажмдаги иллюстрация материалини танлай билиш, кўрсатиш техникасини билиш.
Видеометод.	Янги материал билан танишиш ва ўрганиш,	Маълум бир вақт.	Анчагина	Махсус техник	Муаммога олиб киришни билиш

	мустаҳкамлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш, моделлаштириш кўникмалари.		вақт.	воситалар, видео кўлланмалар талаб этилади	таълим оловчилар фаолиятини йўналтириш, уларга индивидуал ёрдам кўрсатиш.
Китоб билан ишлаш.	Танишув, англамоқ, янги материални ўзлаштириш, билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, реферат ёзиш, ўз-ўзини назорат, мустақил таълим олиш, китоб ўқишга бўлган одатлари, «эркин ўқишни» билиш, асосийсини ажрата билиш, конспект қилиш, структуравий-мантиқий схемалар тузиш, таянч конспектлари, адабиётни танлаш кўникмаларини шакллантириш.	Кўп вақт талаб этмайди.	Назорат қилиш мумкин	Алоҳида йўқ.	Зарур адабиётларни танлаб олиш, конспект қилиш, структуравий мантиқий схемалар тузиш, ушбу методни амалга ошириш йўллари билиш, китоб билан ишлашда дидактик талабларни билиш ва амалга ошириш.
Лаборатория методи.	Янги материални қабул қилиш, англаш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва билимларни чуқурлаштириш, мустақил тадқиқот қилишни билиш муаммоларни рационал ҳал этиш, унумли ижодий тафаккурни ривожлантириш, асбоб-ускуналар билан муносабатда бўлиш, ўлчов ишлари олиб бориш.	Анчагина вақт.	Ўқув машғулоти, гоҳида «қўшалок»	Махсус ускуналар.	Тажриба, эксперимент, изланиш ўтказиш техникасини эгаллаш, лаборатория ускуналари билан ишлаш кўникмалари.
Машқ.	Билимларни чуқурлаштириш, ўрганилаётган материални амалиётда фойдаланиш учун маҳорат ва кўникмаларни ишлаб чиқиш, такрорлаш, мустаҳкамлаш.	Талаб этмайди.	Назорат қилиш мумкин.	Алоҳида йўқ.	Ҳар-хил турдаги машқларни бажаришни ташкил этишни билиш.
Сухбат.	Таълим оловчиларни ишга тайёрлаш, ахборот бериш, танишув, тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эса қолиш, билимларни янада	Маълум бир вақт.	Назорат қилиш мумкин.	Алоҳида йўқ.	Асосий ва ёрдамчи саволларни ифодалаш, уларни бериш, умумлаштириш ва ҳулосалар қилиш, савол-жавоб

	чуқурроқ англаш, ўзлаштириш.				методининг техникасини эгаллаш.
Давра суҳбати.	Тартиблаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш, чуқурроқ англаш, билимларни ўзлаштириш, билишга қизиқишни рағбатлантириш ва шакллантириш, коммуникация кўникмаларини, ўз фикрларини мантиқан баён этиш, саволларни шакллантириш, хулосаларни аргументлаштириш.	Анчагина вақт.	Ўқув машғулоти	Думалоқ стол.	Асосий ва ёрдамчи саволларни шакллантириш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш, савол-жавоб техникасини эгаллаш.

Ўқув мақсадлари ва мазмунларини белгилаш.

Таълим жараёнида фаол методларини қўллашда ўқув мақсадларининг аниқ қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув мақсадлари – муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Назарий дарс ва амалий машғулот аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнларидир. Назарий дарс ва амалий машғулотларнинг мақсадлари аниқ бўлган тақдирдагина, уларнинг мазмунининг белгилаш ва уларни дидактик нуқтаи назардан ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Шу боис, ҳар бир таълим берувчи учун ўқув мақсадларини билиш, тўғри қўя олиш ва танлаш кўникмаларига эга бўлиш – таълим жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир назарий дарс ва амалий машғулотнинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси назарий материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик воситалардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб

беради. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим жараёнида ўқув мақсадлари таълим мазмуни, методлари ва воситаларини белгилар экан.

Ўқув мақсадлари таълим жараёнининг кўламига кўра турлича тарзда ифодаланиши мумкин. Ўқув мақсадлари қуйидагиларга бўлинади:

- алоҳида олинган битта дарснинг мақсади;
- фаннинг бирор бўлимини ўрганишнинг ўқув мақсадлари;
- бутун бир фанни ўрганишнинг ўқув мақсадлари;
- бутун бир мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадлар.

Кичик кўламда (алоҳида дарс, фаннинг бир бўлими учун) мақсадлар аниқ белгиланса, кўлам катталашган сари (мутахассисликни эгаллаш учун) ўқув мақсадлари умумлаштириб борилади. Ўқув мақсадлари қамров кўламига қараб уч хил турга ажратилади [13].

- **Йўналтирувчи ўқув мақсади** – таълим жараёнининг устивор йўналишини кўрсатади.
- **Умумий ўқув мақсади** – таълим жараёнининг ўрта кўламига тааллуқли бўлиб, таълим жараёнининг устивор йўналишини кўрсатади.
- **Аниқ ўқув мақсади** – кичик кўламдаги таълим жараёнига тааллуқли бўлиб, кўзланган натижани (билим, ҳатти-ҳаракат ва хулқни) аниқ кўрсатади.

Йўналтирувчи мақсадлар. Йўналтирувчи мақсадлар энг катта кўламдаги таълим жараёнининг мақсадларини белгилайди. Масалан, бирор мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадлари. Бу мақсадлар одатда давлат таълим стандартларида ўз аксини топгаи ва қонуний ҳужжат ҳисобланади. Улар таълим жараёнига қўйилган умумий талабларни аниқлайди ва унинг умумий йўналишини белгилаб беради.

Умумий мақсадлар. Умумий мақсадлар кичикроқ кўламдаги таълим жараёнларига тааллуқли бўлиб, унинг мазмуни йўналтирувчи мақсадларидан келиб чиқади. Масалан, бирор фан бўйича ўқув мақсадлари. Умумий мақсадлар ҳар бир фан бўйича тузилган давлат таълим стандартлари

кўринишида белгиланиши мумкин. Умумий мақсадлар йўналтирувчи мақсадларни ўз камроқ кўлами даражасида ойдинлаштирилади ва аниқлаштирилади. Шундай бўлсада, йўналтирувчи мақсадлар ҳам таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва хулқ ҳақида умумий тасаввурни беради. У ҳам ўз навбатида пастки кўламда янада аниқлаштирилади ва ойдинлаштирилиши лозим бўлади.

Аниқ мақсадлар (кутилаётган натижалар). Аниқ мақсадлар энг кичик кўламдаги таълим жараёнига тааллуқли бўлиб, унинг мазмуни ўз навбатида умумий мақсадлардан келиб чиқади. Масалан, бирор бир дарснинг мақсади. Аниқ мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутди. Улар бирор бир мавзуга оид дарс, амалий машғулот бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний билим, кўникма, малака ва хулқни ифодалайди. Шунинг учун уларни ифодалаш, мақсадлар билан бирга, уларга эришиш кўрсаткичларини баҳолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар (асбоб-ускуналар, материаллар ва бошқа зарурий воситалар) тавсифини ҳам бериши лозим бўлади. Аниқ мақсадлар одатда таълим муассаслари ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. Шунингдек, бу мақсадлар юқорида турган мутасадди таълим муассасалари илмий-методик кенгашлар томонидан ишлаб чиқилиши амалиётга тадбиқ қилиниши мумкин.

Фанларда ўқув мақсадлари таълим олувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма ва шахсий фазилятларни белгилайди. Фаннинг ўқув мақсадлари таълим йўналиши тармоқ стандартида келтирилган фаолият турлари, махсус талаблар, кўникма ва билимлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Фанларни фаол методлар асосида ўқитишда ўқув мақсадларини қўйиш услуби ўзига хос хусусиятга эгаллиги шундан иборатки, ўқув мақсадлари талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган, ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади. Ўқув мақсадларини

ўлчаш, аниқлаш ва баҳолаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир ўқув мақсадига эришиш мезонлари ишлаб чиқилиши керак.

Таълим муассасаларида ўқитиш мазмунини аниқлашда Давлат таълим стандартлари, фанларнинг алоқадорлиги, талабанинг тушуниш савияси ва ушбу фан билан талабанинг танишлигига эътибор қаратиш керак.

Фан мазмуни қуйидагилар бўйича аниқланади:

- фан бўйича талабалар эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар;
- талабалар психологик ва ўзлаштириш имкониятларига қараб;
- ўқув режасидаги бошқа фанлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлигини инобатга олиб;
- фан мазмунининг оддийдан-мураккабга қараб баён этилишига;
- фанларни ўқитишнинг мантиқий кетма-кетлиги ва давомийлигига.

2.2. Касб-ҳунар коллежларида “Кийимни конструкциялаш” фанидан назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда фаол усуллардан фойдаланиш методикаси

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни фаол усуллар асосида ўқитиш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида биз томондан таълим жараёнида “Лойиҳа” ва “Мунозара” усулларини қўллаш методикалари ишлаб чиқилди.

Касб-ҳунар коллежларида “Кийимни конструкциялаш” фанидан назарий машғулотларни мунозара усулини қўллаш бўйича тажрибалар олиб борилди.

Мунозара – фаол таълим усули бўлиб, тажрибалар олиб бориш, маълум муаммо бўйича ўзаро фикр алмашинув асосида муҳокама кўринишида ташкил этилади.

Мунозара усулини қўллаш орқали қуйидаги мақсадлар амалга оширилади:

- ўқувчиларда янги билимларни шакллантириш ва дунёқарашни кенгайтириш;
- ўқувчиларни муаммоли вазиятлари ва саволларнинг маъносини тушуниш ва уларнинг ечимига интилиш ва қизиқишини уйғотиш;
- ўқувчиларга далиллар, ҳодисалар, жараёнлар ва уларга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишни ўргатиш;
- ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш;
- ўқувчиларга ўз фикрини баён қилиш ва мустақил қарор қабул қилишга ёрдам бериш.

Назарий машғулотларда эркин ёки бошқариладиган мунозара бўлган пайтда мунозара ривожланиши мумкин.

Агар дарс эркин мунозара шаклида ўтса ўқитувчи мунозарага аралашмайди. Ўқитувчи фақат маслаҳатчи ёки йўналтирувчи сифатида иштирок қилиши керак. Ўқитувчи муҳокама қилинаётган муаммо бўйича ҳар бир ўқувчини ўз фикрларини аниқ ифода этишга йўналтириш ва уларни рағбатлантириб бориши лозим. Агар биз шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишни истасак, эркинлаштирилган дарсни ташкил этишимиз керак.

Махсус фанларни ўқитишда мунозара усулини қўллаш самарадорлиги бир қатор қуйидаги муҳим омилларга боғлиқдир.

Биринчидан, ўқувчиларнинг дастлабки тайёргарлигига ва қабул қилиш имкониятига, яъни ўқувчи агар ўз фикрини мустақил ва эркин баён эта олмаса, мунозара бошқача тус олади. Шунинг учун сиз, эътиборни ўқувчиларда ўз фикрини аниқ ва равшан баён эта олиш қобилиятини шакллантиришга ривожлантиришга қаратишингиз лозим.

Иккинчидан, мунозарани фақат гуруҳда соғлом муҳит дўстона муносабатда бўлгандагина самарали ташкил этиш мумкин. Акс ҳолда, мунозарада қарама-қаршиликлар юзага келиши мумкин.

Учинчидан, муҳокама қилинаётган мавзу бўйича ўқувчилар етарли билимга эга бўлган ҳолда мунозара муваффақиятли чиқади. Биз “Кийимни конструкциялаш” фанидан назарий машғулотларни «Мунозара» усулини қўллаб ўқитиш жараёнини босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириш мақсадида дарс ишланмаси ва технологик хариталар ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Машғулот босқичлари	Фаолиятлар мазмуни	
	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
I. Тайёрлов босқичи	Мунозарали мавзунини ўқув мақсади ва вазифалари, мунозара равишда эришилаётган ўқув натижасини аниқлайди, мунозарали саволлар ва унинг ечими бўйича хулосаларни тайёрлайди. Мунозарани ўтказишнинг қуйидаги тартибини ишлаб чиқади: - мунозарани қандай тарзда ташкил этишни; - ўқувчиларнинг мунозарада тўлиқ иштирокини таъминлаш; - мунозаранинг якуний хулосаларини тузиш.	
II. Мунозарага кириш босқичи.	Мунозара мавзусини маълум қилади. Мунозара якунида эришилиши лозим бўлган ўқув натижасини эълон қилади, кириш ва унга ўқувчиларни мунозарага қизиқтириш учун саволлар беради ва суҳбатни ташкил қилади.	Тинглайдилар, мунозара мавзуси моҳиятини тушунишлари керак. Кириш саволлари бўйича ўз фикрларини берадилар.
III. Мунозара босқичи	Ўқитувчи томондан қуйидагилар амалга оширилади: - машғулотга ажратилган вақт оралиғида ўқув натижасига эришиш; - агар ўқувчилар нотўғри фикр билдирсалар, бундай вазиятни тўғри томонга йўналтириш; - ўқувчиларни мунозарага ундашни; - фикрларни таҳлил қилиш ва мулоҳазаларни тақсимлашни; - машғулотда дўстона муносабат ва маданийликни таъминлаш.	Ўз фикрларини мустақил баён этадилар, таклифлар ва тавсиялар киритадилар, муҳокама қиладилар.

IV-Якуний босқич	Билдирилган фикрлардан энг муҳимларини ажратади. Мунозарада кўпчилик иштирокчилар томонидан билдирилган бир хил фикрларни ажратади. Мунозарада ўз ечимини топмаган жиҳатларни айтиб ўтади. Ўқувчиларнинг мустақил иш машғулотларда мунозаралари учун муаммоли саволлар беради.	Энг муҳим ечимларни ўзарига белгилаб оладилар. Мустақил иш вақтларида мунозара учун саволларни ёзиб оладилар.
------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Мунозаранинг технологик харитаси

(“Кийимни конструкциялаш” фани мисолида назарий машғулот)

Мавзу: Аёллар кўйлаги конструкциясини қуришга кўйиладиган талаблар.)

Ишнинг мазмуни ва босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
I. Тайёрлов босқичи.	Мунозаранинг мавзусини аниқлайди, яъни аёллар кўйлагини конструкциясини қуриш мавзунинг мақсад ва вазифалари, мунозара қатнашчилари эришиши керак бўлган натижага шакл беради; мунозарани керакли маромда ушлаб турадиган саволлар ва оралик хулосаларни тайёрлайди, уни ўтказиш тартибини дастурлаштиради: - мунозарани қандай ва нимадан бошлашни; - таълим олувчиларнинг барчасини мунозарада иштирокини қандай таъмин-	
	лашни; - мунозарани қандай яқунлашни ва аниқ тугалловчи хулосаларни тузишни.	
II. Мунозара-га кириш босқичи.	Аёллар кўйлагини конструкциясини қуриш учун керакли ўлчамларни аниқлаш ҳақида қисқача маълумот бериб, шу ўлчамлар асосида конструкция чизмасини чизишга кўйиладиган талаблар ҳақида тушунчалар беради. Мавзу юзасидан Ўз мулоҳазаларини маълум қилади ва таълим олувчиларнинг Ўз нуқтаи назарларини баён этишни таклиф этади. Мунозарани бошланишида қизиқтириш учун бир нечта тайёрланган саволлардан бериши мумкин.	Тинглайдилар, мунозара мавзуси моҳиятини тушунишга ҳаракат қиладилар. Кириш саволлари бўйича ўз фикрларини берадилар.

<p>III. Мунозара босқичи.</p>	<p>Аёллар кўйлагини конструкциясини қуриш учун керакли ўлчамлар ва конструкция чизмасини чизишга кўйиладиган талаблар мавзусида мунозара қилиш босқичида қуйидаги вазифаларни амалга оширади: -ажратилган вақтда улгуришни; -агар таълим олувчилар Ўзгача фикрни баён қилсалар, бундай вазиятда воситачи бўлишни; -мунозарага ундашни; -фикрларни бўлаклаш ва мулоҳазаларни тақсимлашни; - муносабатларда маданийликни доимо таъминлашни.</p>	<p>Ўз нуктаи назарларини баён этадилар, таклифлар киритадилар, муҳокама қиладилар.</p>
<p>IV. Якуний босқич.</p>	<p>Айтиб Ўтилган ўлчамлар ва конструктив чизма чизишга кўйиладиган талабларнинг энг муҳим жиҳатларини қисқача санаб Ўтади ва ажратади. Кўпчилик қатнашчиларнинг фикри билан Ўхшаш бўлганларини ажратади. Ечилмаган вазифаларни айтиб Ўтади, буни турли нуктаи назарларни ёритишга қўшилган ҳисса деб баҳолайди.</p>	

Шунингдек махсус фанлардан амалий машғулотларни “Лойиҳа” усулини қўллаш методикаси ишлаб чиқилди ва “Кийимни конструкциялаш” фанидан амалда жорий этилди. Лойиҳа усули тўғрисида фикр эритадиган бўлсак, педагогик адабиётларда лойиҳа усули – бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришдир [35,32].

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни таҳлил қилиш ва баҳолашни амалда қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Бошқа усулларга қараганда, бу усулда ўқувчилар ишни мустақил режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар [13].

Лойиҳа усулида қўллашда ўқитувчининг вазифаси қуйидагилардан иборат бўлади [25]:

- ўқувчиларга лойиҳага оид маълумотларни тўплашга ва излашга кўрсатмалар ҳамда ёрдам бериш;
- лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот манбаилари билан таъминлаш;
- ўқувчиларга лойиҳа бажариш бўйича маслаҳатлар бериш;

- ўқувчиларни қизиқтириш ва фаоллаштириш;

Лойиха усули шахсга йўналтирилган таълимга асосланади ва ўқув жараёнини фаоллаштиради.

Лойиха усули асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш ўқувчини кўпроқ меҳнат фаолиятини мустақил амалга оширишга ва ижодий фаолият кўрсатишга имконият яратади, ўқувчи ижодий гуруҳнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этади. Шунинг учун ҳам лойиха усули таълим ва тарбия жараёнида муҳим рол ўйнайди.

Лойихалар усули-дидактик восита бўлиб, ўқувчиларда мақсадга йўналганлик ва мустақиллик хусусиятларининг ривожланиши учун жуда катта замин ҳозирлайди [12].

Касб-ҳунар таълимида лойихалар усулини ўқувчиларнинг реал ҳаётий ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий равишда янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришига йўналтирилган фаол таълим усули сифатида қабул қилиш мумкин.

Касб-ҳунар таълимида “Лойиха” усулини қўллаш бўйича Голиш Л. [13], Д.Файзуллаева [39], С.Й.Ашурова [9] каби бир қатор олим ва тадқиқотчилари томонидан изланишлар олиб борилган.

Лойиха усули мустақил ўрганишдан ташқари эътиборни касбни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва амалий кўникмаларни ўргатишга қаратилган бўлиб, ўзлаштириш ва ўрганишни кучайтириш мақсадида қўлланилади .

Лойиха усули асосан Германия амалиётчилари томонидан ишлаб чиқилган ва кенг кўламда ҳамда яхлитлик нуқтаи назардан такомиллаштирилиб, «Мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим» деб номланган [33]. Бу усулнинг хусусияти шуки, унда турли ҳужжатлар, кўрсатмалар ва варақалар ишлатилиб лойиханинг барча босқичларда бажарилган ишларни қайд қилиш ва таққослаш учун керак. Бу ҳужжатлар, кўрсатмалар ва варақалар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга фойдаланиш ва тўлдириш учун берилади. Буларга қуйидагилар киради:

- лойиҳа (чизмалар, схемалар)
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи
- йўналтирувчи саволлар
- ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар
- вазифаларни тақсимлаш бўйича варақалар
- иш режаси варақаси
- баҳолаш варақаси
- назорат баённомалари
- лойиҳани бажариш давомида қўлланиладиган жиҳозлар ва асбоблар, ўлчаш воситалари, ёрдамчи материаллар рўйхатлари.

Лойиҳалар қуйидагича кўринишларда берилиши керак:

1. Аниқ натижани талаб қилувчи топшириқ , масалан бирор ишни режалаштиришдан бошлаб сифат текширишигача иш тартиби (масалан бирон бир маҳсулот ёки буюм намуналарини яратиш).
2. Мавжуд билимларини бошқа вазиятларда ёки амалиётда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ. Ўқувчи муаммони ҳал қилишда мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим ва кўникмаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак.
3. Ўзлаштирилган билим ва кўникмалар орқали янги топшириқни режа асосида мустақил равишда бажаришга йўналтирилган топшириқлар.

Лойиҳа асосан ўрганишга хизмат қилиш, назария билан амалиётни боғлаш, корхонада учрайдиган бирон иш жараёнига таалукли бўлиши, ўқувчилар томонидан мустақил режалаштира олинadиган, меҳнатни ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда ўқувчилар ўзларининг касбий равишда муаммони ечиш усулларини ишлаб чиқиш имкониятларига эга бўлишади.

Ўқувчилар кичик гуруҳларда лойиҳани мустақил равишда режалаштиришдан бошлаб амалга ошириш ва хулоса чиқаришгача биргаликда ишлашади. Лойиҳа топшириғи берилган вақтидан бошлаб, унинг

бажарилишига қадар ўқитувчи ўқувчиларни мустақил ишлашга ва ўрганишга жалб этиб туриши лозим. Ўқитувчиси лойиҳани бажариш жараёнини назорат қилади ва бошқаради.

Лойиҳа топшириғини ишлаб чиқишда ўқитувчи қуйидаги вазифаларни бажариши керак:


- фанга оид турли лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқиши;
- лойиҳа ишини мустақил ишлар жадвалига киритиши;
- лойиҳанинг бажарилиш тартибини белгилаши ва ўқувчиларнинг имкониятларига мослаштириб ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларни лойиҳа иши моҳияти билан таништириши лозим.

Лойиҳа усули қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1.Маълумот йиғиш. Бу босқич учун ўқитувчи қуйидаги материалларни тайёрлаши лозим:

- лойиҳа;
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- лойиҳага оид маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- мавзунинг ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқ моҳиятини тушунишга жалб этиши, ўқувчилар эса мустақил равишда дарслик, ўқув қўлланмалар, тарқатма материаллар ва бошқа манбалардан фойдаланиб маълумот йиғишлари керак. Бундан ташқари лойиҳани бажариш учун керак бўлган ва қўлланилиши мумкин бўлган жиҳозлар, асбоблар ва керакли материалларга оид ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин. Ўқувчиларга фойдаланиш учун техник чизмалар ҳам берилиши мумкин. Сўнгра ўқувчилар мустақил равишда лойиҳани бажаришдаги иш босқичларини тузишлари керак.



2 - расм. “Лойиҳа” усулини амалга ошириш босқичлари.

2.Режалаштириш. Бу босқичда ўқувчилар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Режада иш босқичлари, яъни уларни амалга оширишнинг технологик кетма-кетлиги ва ажратилган вақт керакли жиҳозлар ва ускуналар ҳамда меҳнат ва техника хавфсизлигига оид тадбирлар ҳақида маълумотлар кўрсатилиши керак. Бу ерда ҳам ўқувчилар йўналтирувчи саволларни қўллаб, ўзларининг шахсий ёзувчиларидан фойланишлари мумкин.

Ўзлари иш режаларини мустақил равишда ишлаб чиқишлари ҳам мумкин. Иш режасида – бу берилган лойиҳа топшириғини бажариш учун керакли босқичлар кетма-кетлигининг таърифи берилган. Иш режаси бирор иш жараёнини бажарилишини бир қисми бўлиши ҳам мумкин.

3. Қарор қабул қилиш. Бу босқичда ўқувчилар ўқитувчи билан натижаларни биргаликда режалаштириш босқичида амалга оширилган иши

юзага келган муаммоларни муҳокама қилишади. Муҳокама доирасида турли ечимлар бир-бири билан таққосланади ва энг яхши вариант танлаб олиниши керак.

4. Амалга ошириш. Ўқувчилар якка тартибда ёки кичик гуруҳларда топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда бажаришлари лозим. Ўқитувчи иш жараёнини назорат қилиш ва натижаларини «Назорат» дафтарига қайд қилиб бориш керак.

Ўқувчи тақлид қилиш орқали ва ўрганган амалий кўникмани ўқитувчи ишчиҳонасиз бевосита амалда қўллай олади. Ўқувчи лойиҳани бажарадики, бу топшириқларда у эски ва янги билимларини бир бирига қўшиб ишлатади. Натижада у сабаб ва оқибат орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлай олади.

Ўқувчи ўрганиб олган билимларини янги вазиятда қўллай ва систематик равишда ривожлантира олади. Баҳолашни ва танлашни билади ҳамда янги ижодий ечимларни топа олади.

5.Текшириш. Ўқувчилар лойиҳа бўйича бажарган ишлари натижаларини ўзлари текширишади. Масалан, иш натижаларини сифат мезонлари ёки меъёрлар асосида баҳолаши мумкин. Шунингдек ўқувчилар бир бирининг иш натижаларини ўзаро текширишга ҳам жалб этилади. Ўқитувчи лойиҳа натижаларини махсус «Хулосалар варағи»да қайд этади ва ўзининг «Назорат баённомаси» асосида хулосалар чиқаради.

6.Хулоса чиқариш. Ўқувчи ва ўқитувчи лойиҳа бўйича бажарилган иш жараёни ва натижаларини биргаликда таҳлил қилишади. Натижалар муҳокама қилинади. Лойиҳани бажариш давомида юзага келган муаммоларни ечиш бўйича кўникма таклиф ва тавсиялар берилади. Ҳар бир гуруҳда ёки индивидуал бажарилган лойиҳа натижалари баҳолари назорат варақаларига ва қайдномалари ўқитувчи томонидан киритилади.

Биз ушбу босқичлар доирасида “Кийимни лойиҳалаш асослари” фанидан дарс ишланмалари ва технологик хариталари ишлаб чиқдик.

Лойиха усулининг амалий машғулотлар технологик харитаси.

Машғулотни ўтказиш босқичлари	Фаолиятлар	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
I-босқич. Тайёрлов.	Лойиҳалар мақсади ва вазифаларини аниқлайди. Ўқувчиларни лойиҳалар мазмуни билан таништиради. Лойиҳага тегишли схемалар, йўналтирувчи саволлар, иш режаси варақалари, лойиҳани бажариш учун ўқув адабиётлари ва дидактик воситалар рўйхатини тарқатади. Баҳолаш мезонлари билан ўқувчиларни таништиради.	Кичик гуруҳларга бўлиниб лойиҳа топшириқларини оладилар. Зарурият бўлганда лойиҳа мазмуни бўйича маслаҳатлар ва кўшимча маълумотлар оладилар. Лойиҳага тегишли ҳужжатлар ва кўрсатмаларни оладилар. Лойиҳани бажариш бўйича ўзаро муҳокама ўтказадилар.
II-босқич. Маълумот йиғиш.	Лойиҳа бўйича маълумотлар ва манбаларни излашга ёрдам ва маслаҳат беради, кузатади. Фаолиятга бевосита раҳбарлик қилади.	Маълумот йиғадилар. Лойиҳани бажаришда иш босқичларини тузадилар. Оралиқ вазифаларни бажарадилар.
III-босқич. Режалаштириш ва қарор қабул қилиш	Ҳолатлар ва таклифлар беради. Иш режаси босқичлари бўйича маслаҳатлар беради. Режалаштириш босқичида юзага келган муаммолар ва натижаларни ўқувчилар билан муҳокама қилади.	Иш режасини тузадилар; вазифаларни аниқлайдилар, лойиҳани йўналиши ва бажарилиши босқичларини, уларнинг изчиллигини аниқлайдилар, гуруҳ аъзолари орасида вазифаларни бўлиб оладилар, биргаликда фаолиятни шаклини аниқлайдилар. Ўқитувчи билан натижаларни топшириш усуллари ҳақида келишадилар.
IV-босқич. Амалга ошириш	Лойиҳанинг бажариш босқичларини кўрсатади, аниқликлар киритади. Оралиқ натижалари “Назорат” дафтарига қайд этади. Бутун иш жараёнини мувофиқлаштиради ва тескари алоқа ўрнатади.	Лойиҳани иш режаси асосида мустақил бажарадилар. Босқичлар бўйича ўзаро оралиқ баҳолаш ўтказадилар. Назарий билимларни амалиётда қўллаш орқали янги ижодий ечимларни топа олади.
V-босқич. Баҳолаш	Натижаларни баҳолаш мезонлари асосида баҳолайди ва “Баҳолаш” варағига кўрсатади.	Ўзлари бажарган иш натижаларини ўзлари текширадилар. Йўл қўйилган камчиликларни ўзаро муҳокама қиладилар.

VI- босқич Хулоса қилиш	Лойиҳани бажариш жараёни ва натижаларини ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилади. Натижалар бўйича ўз фикрини баён этади. Йўл қўйилган камчиликлар бўйича тавсиялар беради. Якуний баҳолаш ўткази.	Ўқитувчи билан натижаларни таҳлил қилишда камчиликларини бартараф этиш бўйича фикрлашадилар.
----------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------

**Мавзу: Аёллар кўйлаги конструкциясини қуришни ўрганиш.
(амалий машғулот.)**

Иш босқичлари ва таркиби	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
I-босқич. Тайёрлов.	“Аёллар кўйлаги конструкциясини қуришни ўрганиш” мавзуси лойиҳасининг мақсади ва мавзу вазифасини аниқлайди. Ўқувчиларни лойиҳали ёндашишнинг маъноси билан таништиради. Мавзуга оид схемалар, ўлчамлар жадвали ва базис тўри чизмаларини тарқатади. Ўқувчиларга лойиҳа мазмуни ҳақида сўзлайди, унинг чегараларини аниқлайди. Ўқувчиларни иш кўриниши, уларнинг натижаси ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар, лойиҳа мавзусини таҳлил қилиб танлайдилар. Зарурат бўлганда лойиҳа мазмуни бўйича қўшимча маслаҳатлар оладилар, мақсадларни белгилайдилар. Аёллар кўйлаги конструкциясини қуриш учун керакли ўлчамлар, чизмалар ва бошқа кўрсатмаларни оладилар ва танишиб чиқадилар. Лойиҳа устида ишлаш натижаларини муҳокама қиладилар.
II-босқич. Маълумот йиғиш.	Лойиҳа бўйича маълумотлар ва манбаларни излаш, улардан оқилонга фойдаланишга ёрдам беради, уни таҳлил қилишни тавсия қилади. Фаолиятга бевосита раҳбарлик қилади.	Тарқатилган материаллардан керакли маълумотларни йиғадилар. Лойиҳани бажаришда иш босқичларини тузадилар. Оралиқ вазифаларни бажарадилар, уларнинг изчиллигини аниқлайдилар,

<p>III-босқич. Режалаштириш ва қарор қабул қилиш.</p>	<p>Ғоялар ва таклифлар беради. Иш режаси босқичлари бўйича маслаҳатлар беради. Режалаштириш босқичида юзага келган муаммолар ва натижаларни ўқувчилар билан муҳокама қилади.</p>	<p>Иш режаси асосида вазифаларни аниқлайдилар, лойиҳани йўналиши ва бажарилиши босқичларини, уларнинг изчиллигини аниқлайдилар, кичик гуруҳлар аъзолари орасида вазифаларни бўлиб оладилар, биргаликда Фаолиятни шаклини аниқлайдилар. Ўқитувчи билан натижаларни топшириш усуллари ҳақида келишадилар.</p>
<p>IV-босқич. Амалга ошириш.</p>	<p>Мавзуга оид маълумот манбаларини қўллашга ёрдам беради, маслаҳат беради, кузатади, Ўзи маълумот манбаи ҳисобланади. Оралиқ натижаларни назорат дафтарига қайд қилади. Бутун иш жараёнини мувофиқлаштиради ва тескари алоқа ўрнатади.</p>	<p>Ҳар бир кичик гуруҳда аёллар кўйлаги конструкцияси чизмасини чизадилар. Босқичлар бўйича ўзаро оралиқ баҳолаш ўтказадилар. Назарий билимларни амалиётда қўллаш орқали янги ижодий ечимларни топа олади.</p>
<p>V-босқич. Текшириш ва баҳолаш.</p>	<p>Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларида чизилган конструктив чизмаларни кузатади, таҳлил қилади ва баҳолайди. Оддий катнашчи сифатида, мақсадга мувофиқ саволлар беради, қўллаб-қувватлайди ва тақдирлайди. Натижаларни “Баҳолаш варағи” га қайд қилади.</p>	<p>Жамоа бўлиб муҳокама қилиш йўли билан олинган натижаларни таҳлил қилдилар, ўз ишларидаги камчиликларни текшириб тузатадилар. Йўл қўйилган камчиликларни ўзаро муҳокама қилдилар.</p>

Лойиҳа усулини махсус фанларни ўқитиш жараёнига қўллашда мустақил ишлаш кўникмаларига эга кичик мутахассислар тайёрлашда ижобий самара беради. Шунингдек кичик мутахассислардан ўз касб-ҳунари бўйича билим-кўникмаларидан ташқари ижтимоий ва шахсий компетенциялар соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишлари талаб қилинмоқда. Бу дегани, кичик мутахассислар ўз касб-ҳунарларига оид билим кўникмаларидан ташқари қуйидаги қобилиятларга эга бўлишлари керак:

- ташаббус кўрсатиш;
- муаммоларни ечишга ижодий ёндашиш;
- мустақил қарорларни қабул қилиш;
- мосланувчанлик;
- муаммони мустақил ҳал қилиш;
- малакасини мунтазам оширишга истагини кўрсатиш;
- маъсулиятни ҳис қилиш.

Ҳозирги даврда кичик мутахассисларнинг мустақил равишда яқка тартибда ишлаш малакаларига эга бўлишлари ҳам талаб қилинади.

Демак касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни фаол усуллар асосида ўқитиш орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ижодий ёндашувга муаммоларини ҳал қилиш, келажакда касбий фаолиятни мустақил ташкил қила олишга ўргатиш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларини ҳал қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

3-БОБ. “КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ” ФАНИНИ ФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШДА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

3.1. Касб-хунар коллежларида “Кийимни конструкциялаш” фанидан назарий ва амалий машғулотларини фаол методлар асосида ўқитиш бўйича тажриба-синов ишлари.

Касб-хунар коллежларида ўқитиладиган “Кийимни конструкциялаш” махсус фанини ўқитиш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказдик .

“Кийимни конструкциялаш” фани бўйича ўқитиш жараёнини ўтказиш учун биз томондан ҳар бир мавзу бўйича машғулот дастури, дарс ишланмалар ва технологик хариталар ишлаб чиқилди. Дарс ишланмада ва технологик харитада мавзу бўйича назарий ҳамда амалий дарс босқичлари, фаол таълим методлари, вақт тақсимоти, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти аниқ кўрсатиб берилди.

Биз “Кийимни конструкциялаш” фани бўйича назарий ҳамда амалий машғулотларни “Мунозара”, “Туруҳларда ишлаш”, “Лойиха” усулини қўллаб ташкил этдик. Мустақил ишларда асосан индивидуал топшириқ усулидан фойдаландик. Бу усуллар асосан ўқувчининг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш мақсадида таълим жараёнига қўлланилди. Ушбу усуллар моҳияти диссертациянинг 2 бобида ёритилган. “Кийимни конструкциялаш” фанидан ҳар бир машғулотнинг қайси даврида қайдай усулни қўллаш биз томондан ишлаб чиқилган дарс ишланмада ҳамда технологик харитада белгилаб қўйилган.

Мавзу бўйича ўқув материаллари, йўналтирувчи саволлар, топшириқлар, ижодий топшириқлар (1-илова), ўқувчилар билимини баҳолаш учун назарий ва амалий тестлар ишлаб чиқилди (2-илова). Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари индивидуал бажаришлари учун мустақил иш топшириқлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Ўқитиш методикасини дарс ишланма ҳамда технологик харитани ишлаб чиқишда эътибор ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилди, яъни ўқувчининг таълим жараёни марказида бўлиши, унинг фаоллигини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Махсус фандан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун Бухоро енгил саноат ва педагогика коллежининг педагогик кенгашлари томонидан рухсат этилган.

Ушбу коллежларда тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилди ва режалаштирилди:

- “Ўқувчилик ишлаб чиқариш” йўналиши бўйича назорат ва тажриба-синов гуруҳлари танланди;
- тажриба-синов ишлари бўйича “Кийимни конструкциялаш” махсус фанидан ўқувчиларнинг мустақил ҳамда ижодий ишларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларини ташкил этиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар дарс ишланмалари, технологик хариталари, тестлар, анкеталар ишлаб чиқилди, ўқув материаллари, тарқатма материаллар, ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар билан таъминланди.

Тажриба-синов ўтказиладиган касб-хунар коллежларида махсус фан ўқув хоналарининг жиҳозланиши, ҳолати ўрганилди. Тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланди;

- танланган тажриба-синов коллежларида “Кийимни конструкциялаш” фанидан ўқувчиларнинг мустақил ҳамда ижодий ишларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларини ташкил этиш, йўлга қўйиш;
- тажриба-синов ишларида иштирок этаётган назорат ҳамда тажриба-синов гуруҳларда “Кийимни конструкциялаш” фанидан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларини ташкил этиш бўйича педагогик тавсиялар, йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш;

- ўқитиш жараёнида назарий ва амалий машғулотларда фаол усулларини қўллаш;
- “Кийимни конструкциялаш“ фанидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;
- ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш.

Тажриба–синов ишларини олиб боришда олинган натижаларни самаралигини, ўқувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолашда, Бухоро енгил саноат коллежида иккитадан параллел тажриба-синов ҳамда назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларини ўтказиш, уларда фаол таълим усулларида фойдаланиш имкониятлари аниқланиб, уларнинг самарадорлиги назарий асосланиб амалий жиҳатдан исботлаб берилди. Бунинг учун аввало ўқувчиларни талаб ва эҳтиёжларига биноан ўқув материални фаоллаштириш, мустақил ишлаш, онгли муносабат ва ижодий фикрлашга мажбур этувчи педагогик шарт-шароит яратишни кўзда тутилган эди.

Назорат гуруҳида ўқитиш жараёни амалдаги анъанавий ўқитиш методикаси асосида амалга оширилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида биз таклиф этган ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ривожлантиришга йўналтирилган методикаси асосида фаол таълим усулларида фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Назорат ҳамда тажриба-синов гуруҳларининг натижалари мунтазам таҳлил этиб борилди ва натижалари бир-бирига таққосланиб қиёсланиб, хулоса қилинди.

Юқорида баён этилган тартибда биз назорат ҳамда тажриба-синов гуруҳлари бўйича қуйида жадваллар, гистограммалар ҳамда методик-статистик бўйича эксперимент натижаларини берамиз.

3.2. Тажриба-синов ишларининг бориши ва олинган натижалар таҳлили

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг билим, уларда кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини, мустақил ишларнинг бажарилганлигини,

текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини аниқлаш ва назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг фанни ўрганиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир. Мезон – баҳолаш ўлчовидир. Кўрсаткич - баҳоланадиган хоссалар бўлиб у асосан баҳолаш мақсадига боғлиқ бўлади.

Билим ва кўникмаларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари, шунингдек уларнинг мустақил ҳамда ижодий ишларни баҳолаш натижасида фан бўйича ўқув материални қандай ўзлаштирилиши аниқ-равшан бўлади. Бу эса ўқувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади [41].

Баҳолаш натижасида, таълим олувчиларнинг ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий иш фаолиятларини ривожлантириш учун машғулотлар давомида бажариши давомида ўрганилаётган материалларни билиш, тушуниш, эса сақлаб қолиш, англаб олиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ҳамда ўз билимларига танқидий баҳо бериш даражалари аниқланади. Ўқувчи касб-хунар коллежида ҳамда уйдаги мустақил ишининг услубини такомиллаштириш, билимлари, малака ва кўникмаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тuzатиш имкониятига эга бўлади. Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз ютуқлари, муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамиша таълим олувчининг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини

ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга қаратиши лозим бўлади. Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи кўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларнинг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Биз махсус фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларда ўқувчилар билим ҳамда кўникмаларини баҳолашда қуйидагиларга эътибор бериш лозимлигини тавсия этдик:

- ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш тартиби ҳамда мезонлари ҳақида маълумотиغا эга бўлиши лозим. Бу эса ўқувчининг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятининг дастлабки босқичига тайёргарлик кўришга олиб келади;
- ўқитувчи баҳолаш жараёнига жиддий ёндашиб, ўқувчининг ўз қобилиятини намойиш қилишига эътиборни қаратиш керак;
- баҳолаш ўтказиш шароитида ўқувчи ўзини эркин тутиши ва нохушлик ҳис қилмаслигига имконият яратиш керак.

Ўқувчиларга бериладиган тестлар, саволлар ва топшириқларнинг ўқув мақсади аниқ белгиланган бўлиши, яъни ҳажми, мураккаблиги жиҳатидан белгиланган ўқув мазмунларига жавоб бериши керак.

Ўқувчиларнинг билими ва кўникмалари тестларнинг ижобий ечимини топишларига қараб аниқланди. Мустақил ишлари бўйича шаклланган кўникмаларини баҳолашда берилган топшириқ бўйича мустақил маълумот йиғиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш каби мезонлардан фойдаланилди.

Биз таклиф этган методика асосида ўқитишда фаол таълим усулларини қўллаш орқали таълим самарадорлигини оширишни кузатдик. Бунинг учун 1

йил мобайнида Бухоро енгил саноат коллежларида (2009-2010 й.й.) назорат ва тажриба-синов гуруҳларида тадқиқот кузатуви ишларини олиб бордик.

Назорат ва тажриба - синов гуруҳларида “Кийимни конструкциялаш” фанини ўқитишда мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини назарий ҳамда амалий тестлар ёрдамида баҳоланиб борилди. “Кийимни конструкциялаш” фанидан ўқув режасида белгиланган соат бўйича ўқув дастуридаги ўқув материаллари иккала гуруҳда ҳам тўлиқ ўтилгандан сўнг тест синовлари ўтказилди. Фанни тўлиқ мазмунини камраб оладиган 30 тадан иборат тестлар тайёрланди (4-жадвал).

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида ўтказилган тест синовлари натижалари (жадвалга ҳар бир ўқувчининг 30 та дан иборат тестларга берган тўғри жавоблар сони киритилди)

4-жадвал.

Ўқувчилар Сони	Назорат гуруҳида тўғри жавоблар сони	Ўқувчилар сони	Тажриба-синов гуруҳида тўғри жавоблар сони
1	20	1	21
2	18	2	26
3	24	3	22
4	16	4	21
5	18	5	25
6	14	6	21
7	28	7	25
8	20	8	22
9	15	9	16
10	18	10	21
11	15	11	26
12	18	12	27
13	27	13	15
		14	16

Тажриба-синов натижаларига математик ишлов беришда қуйидаги тартибли шкалалар методидан фойдаландик. Бунинг учун L, L градацияли тартибли шкалалардан фойдаланиб, унда $\{x_i\}$ ва $\{y_i\}$ натурал сонларни L, L қийматлардан бирини қабул қилдик. Оддийлик учун кўплаб

қийматлар бирдан L гача бўлган кўплаб сонлар деб ҳисоблаш мумкин. Унда етарли балларни тўплаган ўқувчиларнинг сони гуруҳ кўрсаткичи бўлиб ҳисобланди. Яъни, тажриба-синов гуруҳи учун баллар вектори:

$$n = (n_1, n_2, \dots, n_L)$$

Бу ерда: n_L - L -ли балл олган тажриба-синов гуруҳи ўқувчиларининг сони.

$$K = 1, 2, \dots, L$$

Назорат гуруҳи учун баллар вектори: $m = (m_1, m_2, \dots, m_L)$

Бу ерда: m_L – L – ли балл олган назорат гуруҳи ўқувчиларининг сони.

$$\text{Демак, } n_1 = n_2 = \dots = n_L = N; \quad m_1 = m_2 = \dots = m_L = M$$

Тажриба ишларининг ишончилигини аниқлаш учун Вилкоксон – Монна – Уитни мезонидан фойдаландик [5,26]. Ушбу критерия бўйича иккита танланма абсолют қийматлари билан эмас, балки уларнинг жуфт солиштириши натижалари билан текширилади.

Иккита танланмани оламиз: $\{x_i\}_i = 1, \dots, N$ ва $\{y_i\}_i = 1, \dots, M$ ҳамда биринчи танланма x_i нинг ҳар бир элементи учун, $i = 1, \dots, N$ ундан ўз қиймати бўйича устун бўлган иккинчи танланманинг a_i элементлари сонини аниқлаймиз (яъни y_j нинг шундай сонлари бўлсинки, унда $x_i > y_j$. Бу сонларнинг $a_1 = a_2 = \dots = a_N = \sum_{i=1}^N Q_i$ йиғиндиси биринчи танланманинг барча N аъзолари бўйича Монна-Уитни критериясининг эмпирик қиймати деб айтилади ва $U = \sum_{i=1}^N a_i$ кўринишида белгиланади. Вилкоксон критериясининг эмпирик қийматлари қуйидагича аниқланади:

Тажриба-синов гуруҳи ўқувчилари сони $N = 14$ та, назорат гуруҳи ўқувчилари сони $M = 13$ та. Биз ўқувчиларнинг билимларини қуйидаги 5-жадвалда келтирилган учта мезон бўйича аниқладик.

5-жадвал.

Билим даражалари

Билим даражаси	Тестлар тўғри жавобларининг максимал сони
Қониқарли	12 – 16 (55-70 %)
Яхши	17 – 22 (71-85 %)
Аъло	23 – 30 (86-100 %)

Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежининг 3-07 “Модилер дизайн” гуруҳида ўтказилган тест синов натижаларини юқорида келтирилган мезонлар бўйича ажратдик (6–жадвал).

6-жадвал.

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги тест натижаларининг билимлар даражаси натижалари

Билим даражаси	Назорат гуруҳи (13 нафар ўқувчи)	Тажриба синов гуруҳи (14 нафар ўқувчи)
Қониқарли	5	3
Яхши	5	5
Аъло	3	6


Тажриба-синов ва назорат гуруҳлари тест натижаларини таққослаш учун қуйидаги 7-жадвал асосида гистограмма қурдик (1-расм).

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги тест натижаларининг билимлар даражаси натижалари

7-жадвал.

Билим даражаси	Назорат гуруҳи (13 нафар ўқувчи)	Тажриба-синов гуруҳи (14 нафар ўқувчи)
Қониқарли	38 %	21 %
Яхши	38 %	36 %

Аъло	24 %	43 %
------	------	------



1-расм. Tajriba-sinov va nazorat guruхlarida test sinovi natijalari буйича гистограмма

Гистограммадан кўриниб турибдики, “Буюмларни лойиҳалаш” фанини ўқитишда тажриба-синов гуруҳида аъло даражали баҳо олган ўқувчилар назорат гуруҳига нисбатан 20% га ортган, яхши даражадаги 2 % га, қониқарли даражали ўқувчилар 17 % га, камайган.

Биз 3.2-жадвалдан берилганлар алгоритмидан фойдаланиб, аввал назорат ва тажриба-синов гуруҳларида тўғри ечилган тестлар сонини солиштирдик. 3.6-жадвалда тажриба-синов ва назорат гуруҳининг натижалари келтирилган.

Шунингдек, тажриба синов гуруҳининг ҳар бир ўқувчиси учун кўпроқ тест ечган назорат гуруҳи аъзоларининг сони ҳисобланган.

8-жадвалдан барча a_i йиғиндиси Монна – Уитни мезонининг эмпирик қийматини беради. Бизнинг ҳолатимизда $U = \sum_{i=1}^N a_i = 60$ га тенг.

8-жадвал. **Тажриба-синов ва назорат гуруҳининг натижалари**

Тажриба- синов гурухи ўқувчилари сони (i)	Тажриба- синов гурухи ўқувчи- ларининг тўғри жавоблари (x _i)	Тажриба-синов гурухи ўқувчиларидан кўп ечган назорат гурухи ўқувчилари сони (a _i)	Назорат гурухи ўқувчилари сони (i)	Назорат гурухи ўқувчила- рининг тўғри жавоблари (y _j)
1	21	3	1	20
2	26	2	2	18
3	22	3	3	24
4	21	3	4	16
5	25	2	5	18
6	21	3	6	14
7	25	2	7	28
8	22	3	8	20
9	16	10	9	15
10	21	3	10	18
11	26	2	11	15
12	27	2	12	18
13	15	12	13	27
14	16	10		
		60		

Вилкоксон мезони бўйича (3.1) формула орқали эмпирик қийматини аниқладик.

$$W_{yii} = \frac{\left| \frac{14 \cdot 13}{2} - 60 \right|}{\sqrt{\frac{14 \cdot 13(14 + 13 + 1)}{12}}} = \frac{31}{20.6} = 1.50$$

Натижадан кўриниб турибдики $W_{\text{эмп}}=1,50 < 1,96$ қиймати солиштирилган гуруҳлар фарқининг ишончлилиги 95 % ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, тажриба-синов ва назорат гуруҳларида олинган натижалар бир-биридан фарқ қилади.

Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари шуни кўрсатдики, махсус фанларни ўқитишда фаол таълим усулларидан фойдаланиш орқали самарадорликка эришиш мумкин.

3-боб бўйича хулосалар

- Ўқувчиларни фаоллаштиришга қаратилган машғулотларда ўрганиш-ўзлаштириш жараёнининг асосини мустақил бажариладиган иш-ҳаракатлар ташкил қилади;
- ўрганиш мобайнидаги иш-ҳаракатлар ўқувчилар томонидан мустақил равишда режалаштириши, амалга оширилиши, текширилиши ва баҳоланиши лозим;
- касб-хунар таълимида махсус фанлардан ўқувчиларни фаоллаштириш натижасида уларда биргаликда мулоқотда бўлиш, режа тузиш, қарор қабул қилиш, ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади;
- биз томондан касб-хунар коллежларида “Кийимни конструкциялаш” махсус фанини ўқитишда назарий ҳамда амалий машғулотларни “Мунозара”, “Туруҳий ишлаш” ҳамда “Лойиха” усуллари, ўқувчиларнинг мустақил ишлари бўйича “Индивидуал топшириқлар” усулини қўллаб тажриба-синовлар ўтказилди, ижобий натижалар олинди.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари шуни кўрсатдики, “Кийимни конструкциялаш” фани бўйича тажриба-синов гуруҳларида “аъло”га ўзлаштириш даражаси 43% га (назорат гуруҳларига нисбатан 20% кўп), “яхши” баҳога ўзлаштириш 36% га (назорат гуруҳларига нисбатан 2 % кўп)

ўсган. “Қониқарли” баҳо олганлар сони 21% (назорат гуруҳларидан 17%) га, камайган. Демак, тажриба-синов гуруҳларида “қониқарли” баҳо олганлар сони назорат гуруҳларига нисбатан камайган, “яхши” ва “аъло” баҳо олганлар сони кўпайган.

Юқорида айтилганларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларда мустақил ва ижодий ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мумкин. Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ҳам дарсларда, ҳам дарсдан ташқарида ривожлантириб бориш мумкин. Бундай ривожланиш ўқувчининг онглилик даражаси, олинган билим сифати ва ўқишга иштиёқининг ўқишига зарур шароит яратиб, мамлакатимиз келажаги учун муносиб авлодни тарбиялашга кўмаклашади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.–Т.: Маънавият,2008.-173 б.
- 2.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000. – 245 б.
- 3..И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари » Тошкент “Ўзбекистон” 2009 й.
- 4.Авлиёкулов Низом Ҳаётович. Замонавий ўқитиш технологиялари. Тошкент 2001. 17 – 18 б.
- 5.Айвазян С.А., Михитарян В.С. Прикладная статистика в задачах и упражнениях. –М.: ЮНИТИ, 1998. – 270 с.
- 6.Аллаёров И.А. Дидактические основы активного обучения. Дисс.пед.наук. ... дисс. – Т., 1994.-200 б.
- 7.Ахмеджанов М.М., Хушвақтов У. «Янги педагогик технологиялар ва уларни қўллаш усуллари». (10-11 бет)

8. Аширов. Ш. Физикадан умулаштирувчи дарсларда ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш. Ж. Касб-хунар таълими. 2006. №4. 20-21 б.
9. Ашурова С.Й. Енгил саноат йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий-услубий асослари. Пед. фан. ном... дисс.- Т., 2005.-180 б.
10. Ашуров. А., Сайтова.У., Нутфуллаева. Ш. Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш ва амлий фаолиятларини фаоллаштириш. “Олий ва касб-хунар таълими тизимида профессор – ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш муаммолари”. Республика илмий – амалий семинар материаллари.—Бухоро ОО ва ЕСТИ. 2009 .173б
11. Н.Бибутова , У.С.Сайтова. Малакали кадрлар тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти “XXI асрда фан ва технологияларнинг стратегиси ва тараққиёти”. Республика илмий-амалий анжумани. Боро-2009 й.309-бет.
12. Боймиров Қ.. Ўқитишнинг замонавий усули. Касб-хунар таълими илмий методик журнал. 2003. №2.
13. Голиш Л.В. Таълимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс–қўлланма. –Т.: 2001.- 68 б.
14. Ёдгоров А.И., Халимов Э.З., Ибрагимова Г.Р. Ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали имий тадқиқот ишларига жалб этиш // Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Бухоро, 2006.- Б. 144-145.
15. Д. Ф. Жалолова, М. М. Ахмеджанов. Касб-хунар коллежларида махсус фанлардан мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш // Иқтисодиёт йўналишидаги кичик мутахассисларни сифатли тайёрлаш вауларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш мавзусидаги: Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Бухоро, 2006.- Б. 132-133.
16. Жалолова Д. Ф. Касб-хунар коллежларида махсус фанлар бўйича мустақил ишнинг ташкилий шакллари ва турлари // Ўрта махсус касб-хунар таълими

- тизимда янги педагогик технологиялар: муаммолар ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Бухоро,2006. -Б. 105-106.
17. Жалолова Д.Ф. Махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш. Пед.фан.номзодлик диссертацияси. Тошкентю 2009 йил. 140б.
18. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент-2008.181.
19. Кобак В.А. Эффективность решения технических задач // Профессиональное образование. -2004.- №6. - Б. 14-15 .
- 20.Лернер И.Я. Состав содержания образования и пути его воплощения. Проблемы школьного учебника. Вып. 6. М.: Просвещение, 1978.– 46 б.
21. Лернер И.Я. Учебный предмет, тема, урок. – М.: Знание, 1988 – 80 с.: ил.; 17 см.- (Новое в жизни, науке технике. Педагогика и Психология ; №1).
22. Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – М., 1972.
23. Мавлянова Ф., Мехлиева З. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш муаммолари. (90-92 бет) «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг эҳтиёжига асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими истиқболлари» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент-2005.
- 24.Матюшкин А.М. Актуальные вопросы проблемного обучения. М.: Педагогика, 1979.-126 с.
- 25.Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. Тошкент: Фан,1990.-86 б.
- 26.Новиков Д.А. Статические методы в педагогических исследованиях. –М.: МЗ- Пресс, 2004. – 66 с.
- 27.Нуриддинов Б., Ўринов У. Интерфаол таълим методлари- ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш омили // Ўрта

махсус, касб-хунар таълим тизимда замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари: Республика илмий-амалий анжуманининг материаллари.- Бухоро, 2006.-Б.36-37.

28. Нуриддинов Б.С. Касб-таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш. Ном. дисс. автореф.-Т., 2002 й. -16 б.
29. Олимов Қ.Т., Абдуқуддусов О.А., Узоқова Л.П., Ахмеджонов М.М., Жалолова Д.Ф. Касб таълими услубияти. Олий таълим муассасалари “Касб таълими” бакалавриат йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия, 2006. - 160 б.
30. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П., Жалолова Д.Ф. Касб-хунар таълимида амалий кўникмаларни ўргатиш босқичлари // Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти “Касбий таълим муаммолари”: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Самарқанд, 2003.-72 б.